

**МУҲАММАД ОШИҚ ИЛОҲИЙ  
БАРНИЙ МАДАНИЙ**

**ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК  
ВА УЛАРНИНГ  
ҲУҚУҚУҚЛАРИ**

*(Биррул волидайн ва ҳуқуқуҳумат)*

*Қайта нашр*



Тошкент  
2018

**УЎК 28  
КБК 86.38  
М 96**

*Мазкур рисолада қадри улуғ ва азиз ота-оналарнинг ҳақлари, уларга яхшилик ва эҳсон қилишининг фазилати, ноқобил фарзанднинг барака топмаслиги ва силаи раҳмни узишининг ёмон оқибатлари ҳақида сўз боради. Куртони каримнинг оятлари, ҳадиси шарифлар ва саҳобаларнинг сўзларидан ўринли иқтибос ва далиллар келтирилиб, турли фикр-мулоҳазалар ва панд-ўгитлар билан бойитилгани ота-онага хушмуомала бўлиш ва розилигини топишда ўқувчиларга яқиндан ёрдам беради. Мазкур рисола барчага манзур бўлишига ишонамиз.*

**Маданий, Муҳаммад Ошиқ Илоҳий Барний**

Ота-онага яхшилик ва уларнинг хуқуқлари (Биррул во-лидайн ва хуқуқухума) [Матн] / Муҳаммад Ошиқ Илоҳий Барний Маданий; таржимон Сайдхон қори Ҳакимжон Махсум. – Ташкент: “Movarounnahr”, 2018. – 96 б.

*Таржимон:*

**Сайдхон қори Ҳакимжон Махсум**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўймитанинг 2018 йил 30 октябрдаги  
5945-сонли холосаси асосида нашрга тайёрланди.*

**ISBN 978-9943-12-555-1**

© Сайдхон қори Ҳакимжон Махсум.  
© “Movarounnahr”, 2018.

---

## **МУҚАДДИМА**

### *Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим*

Ота-онага яхшилик қилишга буюрган Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин. Умматларини ота-онага оқ бўлишдан қайтарган Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавоту саломлар бўлсин. Ота-онага яхшилик қилишда кейингиларга ўрнак ва ибрат бўладиган ишларни қилган саҳобаи киромлардан Аллоҳ рози бўлсин.

Ислом дини яхшилик ва эзгулик динидир. Бу диннинг ҳамма фарзу вожиб, ҳалолу ҳаром, суннату мустаҳаб, хуллас, барча буйруқ ва қайтариқлари инсониятга яхшилик келтиришдан иборат. Исломнинг ўзи инсонларга яхшилик ва эзгулик дини бўлиб қолмасдан, яхшилик йўлида ҳамкорлик қилишга, бир-бирини яхшиликка чақиришга ва ўзаро яхшилик қилишнинг нақадар улуғ эканини билишга буюрган. Аллоҳ таоло Ўз Каломида бундай дейди:

**“Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир” (Моида сураси, 2-оят).**

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларининг “Тафсири Ирфон” номли тафсирида ана шу оят бундай деб шарҳланган: “Аллоҳ таоло буюрадики, инсонлар эзгу ишлар қилишда, ёвузликка қарши

## *Мұхаммад Ошиқ Илоҳий Барний МАДАНИЙ*

---

курашда ўзаро ҳамкорлик қилишлари, гуноҳ ва зулм қилиш йўлида ҳамкорлик қилмасликла-ри лозим. Бу Ислом ҳазорасининг, Ислом бағ-рикенглигининг асосий шиорлариданdir”.

Биз ҳам яхшилик ва гуноҳ ишлардан қайта-риш йўлида ҳозирги кунимиздаги баъзи бир но-хуш ҳолатларнинг олдини олиш ва ислоҳ этишга озгина ҳиссамизни қўшиш учун машҳур ҳана-фий олим, фақиҳ ва муҳаддис Мұхаммад Ошиқ Илоҳийнинг “Биррул волидайн ва ҳуқуқуҳума” (“Ота-онага яхшилик ва уларнинг ҳуқуқлари”) номли рисоласини тилимизга ўғирдик.

Мұхаммад Ошиқ Илоҳий ҳижрий 1343 (милодий 1934/1935) йилда Ҳиндистоннинг Баланд-шахр шаҳрида туғилган. У бошланғич таълимни Муродободдаги Имдодийя мадрасаси ва Алигарҳ жоме масжидида олди. Шундан сўнг ил-мини ошириш учун Саҳаранпурдаги “Мазаҳири улум”га ўқишига кирди. Ўқишини тамомлаган-дан сўнг Ферузепур Жиркада, Муродободдаги “Хаётул улум” мадрасасида ва Калкuttадаги тур-ли мадрасаларда дарс берди. Кейинчалик муфтий Мұхаммад Шафийнинг илтимосига кўра, Карабидаги “Дорул улум”га борди. У ерда бир неча йил давомида ҳадис ва тафсирдан дарс берди. У ҳижрий 1384 (милодий 1964/1965) йилдан ҳижрий 1397 (милодий 1976/1977) йилгача “До-рул ифто”нинг раиси ва муфтий бўлиб ишлади. Мавлоно Мұхаммад Ошиқ Илоҳий кейинчалик Мадина шаҳрига кўчиб ўтиб, у ерда умрининг охиригача яшаб, милодий 2001 йилда оламдан

ўтди ва Жаннатул Бақиъ қабристонига дафн этилди.

Биз ўғирган китоб ҳажми кичик бўлишига қарамасдан, ўзида жуда қимматли маълумотларни жамлаган. Муаллиф китобни беш фаслга ажратиб, ҳар бир фаслни ўзига хос сарлавҳа билан номлаган. Китобда турли мавзуларга оид ўнга яқин Куръон оятлари ва қирқдан ошиқ ҳадислар келтирилиб, қисқача шарҳлар билан бойитилган. Шу эътибордан китобни ота-онага яхшилик қилиш мавзусидаги “Арбаъин” десак ҳам бўлади. Китоб охирида илова сифатида Ашраф Али Таҳонавийнинг “Таъдилу ҳуқуқил волидайн” китобидан баъзи муҳим масалалар келтирилган.

Юқорида келтирилган ояти каримада айтилганидек, биз ҳам бу ишимиз билан яхшиликка, яъни ота-онага яхшилик қилишга чақиришга ва ёмонликдан, яъни ота-онага оқ бўлиш гуноҳидан қайтаришга ҳаракат қилдик. Албатта, бу ишимиз катта мэрралар сари қўйилган илк қадам бўлганидан ундаги сахв ва хатолар учун олдиндан узр сўраймиз. Аллоҳ бу камтарона хизматимизни Ўзи ҳусни қабул айласин. Бу арзимас ишимизнинг юзага чиқишига сабаб бўлган, илм олишимиз учун дуолари ва бор имкониятлари билан ёрдам берган марҳум устозимиз бобом Махсум ҳожи ота ва дуогўйимиз марҳум Уммухон ҳожи ая руҳларини шод, охиратлари обод бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз. Қиблигоҳимиз Ҳакимжон Абдулҳамид Махсум ўғли ва онамиз Моҳидилхон Омонхўжа қизи-

нинг умрларини узок, танларини соғ ва имонларини саломат қылсın. Бу ожизона ишимиз билан уларга яхшилик қилувчилардан бўлиб, розиликларини топишимизни мұяссар айласин. Бизларга кўп йиллар давомида дуогўй ва маслаҳатгўй бўлиб, камолимизни кўришсин. “**Эй Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган** (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!” (*Иброҳим сураси, 41-оят*). “**Эй Рabbим! Мени** (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганлариdek, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!” (*Исрo сураси, 24-оят*). Охириги дуоимиз Аллоҳга ҳамд ва Унинг Расули ва ҳабиби Мұхаммад (соллаллоҳу алайхи ва саллам)га салавот ва саломлар бўлсин!

*Таржимондан*

## МУТАРЖИМ МУҲАДДИМАСИ

Бизларни ота-онага яхшилик қилиш ва силаи раҳмга буюрган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ҳалол ва ҳаромни ажратган, ота-онага оқ бўлиш ва гуноҳ ишлар қилишдан қайтарган набийимиз ва саййидимиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин ҳамда у зотнинг оиласлари, олижаноб, вафодор саҳобаларига, уларга яхшилик билан эргашган тобеинларга қиёмат кунига қадар Аллоҳнинг салавоти бўлсин. Аммо баъд:

Бу китобни улуғ муҳаддис ва етук фақих отам Муҳаммад Ошиқ Илоҳий Барний Маданий (Аллоҳ у кишининг ётган жойларини мунаввар қилсин) устозининг (Аллоҳ у кишининг даражаларини баланд қилсин) тавсияси билан ёзган. У киши ўз замонасида “Ҳадис имоми” эди. Унга бу рисола ўқиб берилганда жуда хурсанд бўлиб, шогирдини шундай чиройли ёзиш ва енгил баён қилиб беришга муваффақ айлагани учун Аллоҳга ҳамду сано айтди. Бу китоб Жануби-шарқий Осиё (Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш) мусулмонлари учун урду тилида ёзилган. Аллоҳнинг фазли-карами билан катта-кичик орасида қўлма-қўл бўлиб эътибор қозонди.

Бу китобнинг фойдалилиги ва мавзусининг аҳамиятини кўриб фазилатли шайх, муҳаддис Абдул Ҳафиз Маккий (ҳафизуллоҳ) уни араб тилига ўгиришимни буюрди.

## *Муҳаммад Ошиқ Илоҳий Барний МАДАНИЙ*

---

Мен у кишининг айтганини қилиб, уни араб тилига ўғирдим.

Бу арзимас ишимнинг Аллоҳ таолодан мақбул бўлишини ҳамда Ўзининг розилигини топишга ва жаннати наъимиға киришим учун сабаб қилишини сўрайман. Албатта, У Самиъ (эшитувчи) Мужиб (дуоларни ижобат қилгувчи)дир.

Аллоҳнинг дўсти ва ҳабиби саййидимиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ва у кишининг оиласлари ҳамда жамики саҳобаларга Аллоҳнинг салавоти бўлсин.

*Абу Аҳмад Абдуллоҳ Барний Маданий*

## **МУАЛЛИФ МУҚАДДИМАСИ**

*Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим*

Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин. Сайидимиз Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га, у кишининг оиласлари ва жамики саҳобалирига Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин. Аммо баъд:

Бу китобни шайхим ва устозим амрларига биноан таълиф қилдим. Унда бир қанча ояти карималар ва шарафли набавий ҳадисларни жамлаб, уни беш фаслга ажратдим:

**Биринчи фасл:** Шу мавзудаги ояtlар ва уларнинг тафсири.

**Иккинчи фасл:** Ота-онага яхшилик қилишнинг фазли ҳақидаги ҳадиси шарифлар шарҳи.

**Учинчи фасл:** Ота-онага оқ бўлиш ва уларга ёмонлик қилишнинг оқибати ёмонлиги ҳақида айтилган ҳадиси шарифлар шарҳи.

**Тўртинчи фасл:** Ота-она вафотидан кейин уларга фарзанд томонидан яхшилик етиши ва бу ҳақда машру амаллар баёни ҳақида.

**Бешинчи фасл:** Яқин қариндошларга силаи раҳм ва яхшилик қилишнинг фазли, силаи раҳмни узишнинг заарлари ва ёмон оқибати (Аллоҳ бу нарсадан бизларни узоқ қилсин) баёни ҳақида.

Китоб сўнгига хотимани келтирдим. Унда фарзандларга таълим-тарбия ва одоб беришда ота-она зиммасидаги фарзанд ҳуқуқлари баён этилган. Ундан сўнг уммат ҳакими, шайх Ашраф Али

*Мұхаммад Ошиқ Илоҳий Барний МАДАНИЙ*

---

Таҳонавий (раҳимахуллоҳ)нинг китобидан баъзи муҳим масалаларни қисқача, осон иборалар билан келтирдим.

Бу рисоланинг ўқувчига осон тушунилиши учун бор имкониятимни сарфладим.

Бу амалим Аллоҳ ҳузурида мақбул, мусулмонларга фойдали бўлишини ҳамда мени, ота-онами ва устозларимни мағфират қилишини сўраб дуо қиласман. Албатта, У дуоларни ижобат қилгувчи, сахийлиги ва баракоти тўхтовсиз, Ўзининг иззати ва жалоли билан яхшиликларни тўлдирувчиdir. “**Кудрат эгаси бўлмиш Раббингиз улар қилаётган сифатлардан (айбу нуқсондан) покдир. Пайғамбарларга салом! Ҳамд эса, (барча) оламларнинг Раббига (хосдир)**” (*Соф-фот сураси, 170–172-оятлар*).

*Мұхаммад Ошиқ Илоҳий Барний Маданий*

## **БИРИНЧИ ФАСЛ**

### **ОТА-ОНА ҲАҚЛАРИ ХУСУСИДАГИ ОЯТИ КАРИМАЛАР**

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай дейди: «**«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси хузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганлариdek, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”»** (*Исрo сураси, 23–24-оятлар*).

**Тафсир:** Аллоҳ таоло бу оятда бир неча ишларга амр қилди.

**Биринчиси,** ёлғиз Ўзигагина холис ибодат қилиш. Чунки Аллоҳ таоло ёлғиз ва шериги бўлмаган ҳақиқий маъбуддир. Шунинг учун барча пайғамбар (алайҳимуссалом)лар бу улуғ ишга инсонларни даъват қилиш учун юборилганлар. Бу амрнинг улуғлигидан Аллоҳ таоло инсонлар ва жинларни яратди ва самовий китобларни нозил қилди.

Тавҳид бу Аллоҳнинг бирлиги, ёлғизлиги ва беҳожатлигига эътиқод қилишдир. Аллоҳ ёлғиз Ўзи ибодатга ҳақли Зот ва зотида, сифатида ва маъбудлигига бирор шериги йўқдир. У барча нуқсонлардан пок ва буюқдир.

**Иккинчиси,** ота-онага яхшилик қилиш. Чунки Аллоҳ таоло у иккисини бизларнинг пайдо бўлишимизга сабаб қилиб қўйди. Бундан ташқари, улар фарзандлар тарбиясида катта мashaқатни елкаларига олишади. Шунинг учун Аллоҳ таоло Ўзининг тавҳидига амр қилганидан кейин, унинг изидан ота-онага яхшилик қилишга буюрди. Куръони каримда бу маънода бир неча оятлар келган. Аллоҳ таоло Бақара сурасида айтади: «**Эсланг, (Биз) Исройл авлодидан: “Фақат Аллоҳгагина сифинасиз, ота-онага яхшилик қиласиз”, деб аҳд олган эдик»** (*Бақара сураси, 83-оят*).

Яна Нисо сурасида айтади: «**Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз!**» (*Нисо сураси, 36-оят*).

Аллоҳ таоло Анъом сурасида айтади: «**Айтинг: “Келингиз, Раббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни ўқиб берай: Унга бирор нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз”**» (*Анъом сураси, 151-оят*).

Юқорида зикр қилинган Исройл сурасидаги икки оят ота-оналар кексайиб қолган пайтда қилинадиган муомалаларни тўлалигича қамраб олади.

Шунинг учун фарзандлар зиммасига қўйидаги ишлар вожиб бўлади:

“Уф” дейиш билан озор бермаслик. Бу амал инсонга озор берадиган ишларнинг энг кичигидир. Бу гап ота-онага нисбатан айтилса, уларнинг хизматидан оғриниш ва уни ўзига малол олиш

бўлади. Шунинг учун иккисини норози қиладиган ва қалбларига маҳзунлик соладиган бирор сўз сўзлаш мумкин эмас.

Ҳасан Басрий (раҳимаҳуллоҳ) айтади: «Агар “уф” дейишдан ҳам пастроқ ота-онага оқ бўладиган амал бор бўлганида, батаҳзиқ, Аллоҳ таоло уни ҳам ҳаром қилган бўлар эди».

Ота-онани улуғлаш, ҳурмат қилиш ва ҳар бир ҳолатда яхшилик қилиш шарт. Инсон kekсалик чоғида бошқа кишининг хизматига ва ёрдамига муҳтоҷ бўлиши ҳамда турли сурункали касалликларга чалиниш эҳтимоли кўплигидан Аллоҳ таоло оятда айнан улуғ ёшдаги ҳолатни келтиromoқда. Гоҳида кексалик сабаб ота-оналар кийимларини кир ёки нопок қилиб қўйсалар, фарзандлар уни ювиш ўрнига сабрсизлик қилиб ота-оналарини жеркийди. Албатта, мана шу имтиҳон. Ким синовдан яхши ўтса, Аллоҳ таолонинг розилигини топади. Бу эса унинг икки дунё саодатига эришганига далил бўлади.

Мужоҳид (раҳимаҳуллоҳ) айтади: «Ота-онанг болалигингда тагингни тозалаётib бирор нарса демаганидек, сен ҳам қариган чоғларида нажосатларини юваётганингда “уф” демагин».

Аллоҳ таоло оятда “уф” дейишдан қайтарганидан сўнг, ота-онага ҳақорат сўзларни айтишдан ҳам ман қилди. Ўйлаб кўринг, ота-онага “уф” дейиш ман қилинган бўлса, қандай қилиб ота-онага дўқ уриб бақириш мумкин. Булар энг ёмон ва энг қабиҳ ишлар-ку. Шунинг учун Аллоҳ таоло бу ишларни ҳаром қилган.

Оятнинг давомида Аллоҳ таоло: “**Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт!**”, деди. Яъни, сенинг сўзинг ёқимли бўлиши учун уларга одоб ва ҳурмат билан гапиргин. Зуҳайр ибн Мұхаммад (раҳимаҳуллоҳ): “**Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт!**” ояти ҳақида: “Агар улар сени чақирсалар, “Лаббайкума ва саъдайкума” (Лаббай, иккингизнинг хизматингизга шайман, сизни хурсанд этишга тайёрман), дегин”, деди. Қатода (розияллоҳу анҳу) “**ёқимли сўз**”ни “юмшоқ ва енгил”, деган.

Ибн Мусайиб (раҳимаҳуллоҳ): “**Уларга** (доимо) **ёқимли сўз айт!**” ояти ҳақида “гуноҳкор қўлнинг қўпол хўжайинига айтган гапи”, деган. Яъни, ота-онага қўрқоқ қул хўжайинига гапираётгандек сўзлагин.

Учинчиси, Сайд ибн Жубайр (раҳимаҳуллоҳ) Аллоҳ таолонинг: “**Уларга меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут**” оятининг тафсирида: “Ота-онангга худди қул қўпол ва дағал хўжайинига итоат қилганидек итоат қилгин”, деди.

Ато ибн Абу Рабоҳ: “Агар ота-онага гапирадиган бўлсанг, қўлингни кўтармасдан гапиргин. Яъни, гапираётган пайтингда қўлингни қимирлатмай, балки итоаткор ҳолатда бўлгин”, деган.

**Тўртингиси, «Ва (дуода) айт: “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”»** Бу ҳам ота-онага яхшилик қилишнинг бир қисмидир.

Фарзанд ёш пайтида заиф ва нимжон бўлиб, бошқанинг қўмаги ва тарбиясига муҳтож бўлиши

бор ҳақиқат. Бу пайтда ота-она фарзандларининг роҳатини деб оғир мاشаққатни елкасига олиб, едириб-ичириш ва тарбия қилиш ҳақида ўйлади. Ота ҳалол ризқ топиш ва яхши яшасин, деб туну кун меҳнат қиласиди. Она эса фарзандини тўққиз ой қорнида кўтариб, туғиб то вояга етгунича тарбия қилишда эридан кўра кўпроқ мешаққат чекади. Шунинг учун унинг ҳақи отаникидан улуғроқдир.

Кунлар ўтиб ишлар энди тескарисига айланади. Фарзандлар улғайиб, вояга етиб, энди ўзлари касби кор қилишади. Ота-оналари эса қариб, ишга ярамайдиган бўлади. Бу пайтда фарзандлар ота-онасига сидқидилдан хизмат қилиши, туриш-турмушидан хабар олиб туриши, қўлидан келганича нафақа етказиши ва бирор сония ҳам уларнинг хизматидан ғафлатда қолмаслиги лозим бўлади. Чунки шундай қилиш уларнинг ҳақидир.

وَعَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بُرِيَّةَ عَنْ أَبِيهِ أَنَّ رَجُلًا فِي الطَّوَافِ  
حَامِلًا أُمَّهَ، يَطُوفُ بِهَا، فَسَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ  
أَدَّيْتُ حَقَّهَا؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا، وَلَا بِزُفْرَةٍ  
وَاحِدَةٍ»، أَوْ كَمَا قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қиласиди: «Бир киши онасини орқасида кўтариб та-воф қилдираётган эди. Шунда у киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: “Онамнинг ҳақини адo қила олдимми?” деб сўради. Набий

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Йўқ, тўлғоқ пайтидаги бир марта инграшини ҳам адo қила олганинг йўқ”, дедилар ёки шунга ўхшаш сўз айтдилар».

Бунга ўхшаш ривоятни Ибн Касир тафсирида Имом Баззознинг муснадидан заиф санад билан ривоят қилган. Имом Бухорий эса “Ал-адаб ал-муфрад”да Ибн Умардан мавқуф ҳолатда ривоят қилган.

Имом Бухорий (рахимаҳуллоҳ) “Ал-адаб ал-муфрад”да қуийидаги ҳадисни келтиради:

أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ كَانَ يَسْكُنُ بَيْتًا غَيْرَ بَيْتِ أُمِّهِ فَكَانَ إِذَا خَرَجَ مِنْ بَيْتِهِ وَقَفَ عَلَى بَابِ بَيْتِ أُمِّهِ وَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا أُمَّتَاهُ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ. فَكَانَتْ تَرْدُ عَلَيْهِ بِقَوْلِهَا: وَعَلَيْكَ يَا بُنْيَيْ. فَيَقُولُ لَهَا: رَحْمَكَ اللَّهُ كَمَا رَبَّيْتِنِي صَغِيرًا. فَتَقُولُ: رَحِمَكَ اللَّهُ كَمَا بَرَزَنِي كَبِيرًا.

Абу Хурайра (розияллоҳу анху) онаси турған уйдан бошқа уйда яшар эди. Қачон уйидан чиқса, онасининг эшиги олдига бориб: “Эй онажоним, сизга тинчлик ва саломатлик, Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин”, дерди. Онаси унга: “Сенга ҳам, болам”, дея жавоб берар эди. Абу Хурайра унга: “Мени кичиклигимда тарбиялаганингиздек, Аллоҳ сизга раҳм қилсин”, дерди. Онаси унга: “Менга кексайган пайтимда яхшилик қилганингдек, сенга ҳам Аллоҳ раҳм қилсин”, дерди.

**Эслатма:** Агар фарзанд ота-онасига ёки уларнинг бирига яхшилик қилишда хатога йўл қўйса ёки беодобликка йўл қўйса, зудлик билан улардан кечирим сўраши лозим. Дарҳол кўнглини олиши, уларни қандай норози қилган бўлса, шунча икром кўрсатиши, ўзининг хорлигини, ота-онасининг эса улуғлигини кўрсатиши керак. Бундан ташқари, қилган бу гуноҳига тезда Аллоҳга истиғфор айтиши ҳам лозим.

**Фойда:** Агар ота-она кофир ҳолатда вафот этган бўлса, уларга Аллоҳнинг раҳмати ва мағфиратини сўраб дуо қилиш жоиз эмас. Лекин ҳали ҳаёт бўлишса, Аллоҳдан ҳидоят сўраб дуо қилса жоиз. Шунда ҳам уларнинг хизматидан бўйин товлаш ва азият етказиш асло мумкин эмас. Агар бирор-бир гуноҳ ишга ёки куфр амалга буюришса, айтганига итоат қилинмайди. Чунки Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Холиққа маъсият бўладиган ишда, маҳлуққа итоат қилинмайди”, деганлар.

Яна Аллоҳ таоло айтади: «Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар) (биз инсонга буюрдикки) “Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир”. Агар улар (яъни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муома-

**лада бўлгин ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин! Сўнгра (яъни қиёмат кунида) қайтиш Менинг ҳузуримгадир, бас, сизларга (ўшандаги) қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман” (Луқмон сураси, 14–15-оятлар).**

**Тафсир:** Аллоҳ таоло бу ояти карималарда ҳомиладорлик пайтида онанинг чеккан машаққат ва аламларини зикр қилмоқда. Айниқса, туғишига яқин қолган вақт она учун қийин ва оғир даврдир. Аллоҳ таоло бу қийин ҳолатни Аҳқоф сурасида сифатлаб бундай дейди: “**Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб тукқандир**” (Аҳқоф сураси, 15-оят).

Туғишдан сўнг эмизиш ва тарбиялаб вояга етказиш даври бошланади. Она боласини бағрига олиб эмизади ва иссиқ-совуқдан асрайди. Ота оиласининг нафақаси учун эртаю кеч меҳнат қиласиди. Агар фарзанди касал бўлиб қолса, туну кун ухламасдан табибма-табиб чопишади. Аллоҳнинг изни билан то тузалгунича бошида гирди-капалак бўлишади. Агар боласи иштонини хўллаб қўйса, заррача ғазабланмайди ҳам. Она бечора эса боласининг нажосатини малолланмасдан меҳр билан тозалайди. Буларнинг ҳаммаси отонаага яхшилик қилишга ва шукронаси учун доимо хизматида бўлиб, уларга итоат этиш учун энг катта сабабдир.

Шукр учун, аввало, йўқдан бор қилган оламлар Рабби Аллоҳ ҳақлидир. Шундан сўнг фарзандни дунёга келтириб парвариш қилишда кўп

захматлар чеккани учун ота-она ҳақлидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло: “**Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин!**” дейди.

Аллоҳ таолога шукр қилиш фақатгина тил билан бўлмай, балки Унинг амрларига зохиран ва ботинан бўйсуниш билан бўлади. Шу каби ота-онага яхшилик қилиш ҳам ҳақ-ҳуқуқларини тан олиб, уларни мақташ билангина амалга ошиб қолмайди. Балки хизматларини қилиб, гуноҳ бўлмайдиган буйруқларига итоат қилиш билан бўлади.

Ҳасан (розияллоҳу анҳу) ота-онага яхшилик қилиш ҳақида: “Уларга инфоқ қил ва итоат қил. Агар сени гуноҳ ишларга бошласалар, итоат қилма”, деганлар.

Аллоҳ таоло ота-онага яхшилик қилишга буюрганидан кейин ҳақиқий эҳсон ва ибодатга ҳақдор фақат Ўзи эканини баён қиласди. Шунга кўра, агар ота-онанг сени Аллоҳга ширк келтиришга мажбурлашса ҳам итоат қилма. Аллоҳ таоло Анкабут сурасида бу амрни такрорлаб, қуидагиларни айтади: “**Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик.** (Аммо) агар улар сен билмаган нарсаларни (сохта маъбудаларни) Менга шерик қилишингга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин!

(Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас, Мен (ўшандан) сизларга қилиб ўтган амалларингиз хабарини берурман” (Анкабут сураси, 8-оят).

## САЪД ИБН АБУ ВАҚ҄ОС (РОЗИЯЛЛОХУ АНҲУ) БИЛАН УНИНГ ОНАСИ ҚИССАСИ

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. У киши: «“(Аммо) агар улар сен билмаган нарсаларни (сохта маъбудаларни) Менга шерик қилишингга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин! (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас, Мен (ўшанда) сизларга қилиб ўтган амалларингиз хабарини берурман”, ояти мен ҳақимда нозил бўлган», дедилар.

Саъд ибн Абу Ваққос айтади: «Мен онамга яхшилик қилувчи фарзанд эдим. Исломга кирганимда онам менга: “Эй Саъд, сен янгилаган нарса нима ўзи? Ё бу динингдан кечасан ёки мен ўлгунимча емайман ҳам, ичмайман ҳам. Бас, менинг уволимга қоласан. Шунда одамлар сени: “Онасининг қотили”, дейишади. Мен: “Эй онажон, бундай қилманг. Мен ҳаргиз бу диндан воз кечмайман”, дедим. У бироз қийналса ҳам бир кеча-кундуз еб-ичмади. Яна бир кеча-кундуз оч қолгандан кейин қийинчилиги ортди. Бу ҳолатни кўриб: “Эй онажон, Аллоҳга қасамки, агар сизнинг юзта жонингиз бўлиб, битта-битта чиқиб кетса ҳам, бирор нарса учун бу динимдан воз кечмаслигимни биласиз. Шунинг учун хоҳланг енг, хоҳланг еманг”, дегандим, таом еди».

Имом Муслим бу воқеани ўзининг “Саҳих”идаги “Саҳобалар фазилати боби”да Саъд (розияллоҳу анҳу)дан муҳтасар ҳолатда келтирган.

Аслида, ота-онага яхшилик қилиш уларнинг солиҳларига ва имонлиларигагина чекланиб қолмайди. Балки ҳатто улар кофир ёки фосиқ бўлсалар ҳам, фарзанд ҳурмат кўрсатиши, уларни улуғлаши ва одоб билан муомала қилиши вожиб бўлади. Лекин бирортасига куфр ва маъсиятда итоат қилинмайди. Агар фарзандини куфрга, намоз ўқимаслик ёки закот бермаслик каби гуноҳ ишларга буюрса, уларга ҳеч қачон итоат қилинмайди.

وَعَنْ أَسْمَاءِ بُنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ: قَدِمْتُ عَلَيَّ  
أُمِّي وَهِيَ مُشْرِكَةً (بَعْدَ صَلْحٍ الْحُدَيْبِيَّةِ)، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ،  
قَدِمْتُ أُمِّي وَهِيَ رَاغِبَةً أَفَأَصْلُهَا؟ قَالَ: ”نَعَمْ صِلِّي أُمَّكَ“.  
مُتَّفِقٌ عَلَيْهِ.

Асмо бинти Абу Бакр (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади. У киши айтади: «Хузуримга мушрика онам (Худайбия сулҳидан кейин) меҳмон бўлиб келди. Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: “Ё Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), онам хузуримга муҳтож ҳолатда келди. Унга силаи раҳм қиласинми?” дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, онангга силаи раҳм қил”, дедилар» (Муттрафақун алайҳ).

Бахтли инсон аслида Аллоҳ таолонинг ҳақларини ва ота-онасининг ҳақларини адо этган киши ҳисобланади. Демак, ота-онаси вафотла-

ридан кейин ҳам қўпгина яхшиликларини да-  
вом эттириб, шукрини бажо келтиради.

## ИККИНЧИ ФАСЛ

### ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШНИНГ ФАЗИЛАТИ, ФОЙДАСИ ВА САМАРАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАР

*Ота-онага яхшилик қилишининг фазилати ва  
унинг Аллоҳ таолога маҳбуб бўлган  
амаллардан эканининг баёни*

عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَيُّ الْأَعْمَالِ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ؟ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الصَّلَاةُ لَوْقَهَا"، قُلْتُ: ثُمَّ أَيُّ قَالَ: "بُرُّ الْوَالِدَيْنِ"، قُلْتُ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: "الجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ"، قَالَ ابْنُ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: حَدَّثَنِي بِهِنْ وَلَوْ اسْتَرْدَدْتُهُ لَزَادَنِي.  
رَوَاهُ الْبَخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. У киши айтади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан: “Қайси амал Аллоҳга энг маҳбуброғи”, деб сўрадим. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўз вақтида ўқилган намоз”, дедилар.“Сўнгра қайси?” дедим. “Ота-онага яхшилик қилиши”, дедилар. “Сўнгра қайси?” дедим. “Аллоҳ йўлидаги жиҳод”, деди-

лар». Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: “Уларни менга айтиб бердилар. Агар яна зиёда қилишларини сўраганимда, албатта, зиёда қилар эдилар» (*Ином Бухорий ва Ином Муслим ривояти*).

**Изоҳ:** Барака топгурлар, Набий (соллаллоҳу алайхи ва саллам)нинг ота-онага яхшиликни Аллоҳ йўлидаги жиҳоддан олдин қўйғанларига бир назар қилинглар. Яхшиликнинг зидди оқ бўлиш. Яхшиликнинг маъноси – эҳсон бўлса, оқ бўлишнинг маъноси – азият бериш ва ҳақларни адо этмаслиқдир.

Аммо силаи раҳмдан мурод насаб ва никоҳ орқали боғланган қариндошларга яхшилик қилиш ва уларга муҳаббат изҳор қилишдир. Унинг зидди силаи раҳмни узишдир. Ундан мурод насаб ва никоҳ орқали боғланган алоқаларни узиб, ота-она ҳақларини адо этмаслик ва уларга озор беришдир.

## **ЯХШИЛИК, ЭҲСОН ВА ХИЗМАТГА ОНА ҲАҚЛИРОҚДИР**

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، مَنْ أَحَقُّ النَّاسِ بِحُسْنِ صَحَابَتِي؟ قَالَ: "أُمُّكَ" ، قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: "أُمُّكَ" ، قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: "أُمُّكَ" ، قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: "أَبُوكَ" ، وَفِي رِوَايَةٍ قَالَ: "أُمُّكَ، ثُمَّ أُمُّكَ، ثُمَّ أُمُّكَ، ثُمَّ أَبَاكَ، ثُمَّ أَدْنَاكَ أَدْنَاكَ" . رَوَاهُ البُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ .

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. У киши айтади: «Бир киши: “Ё Расулуллоҳ, яхшилик қилишимга эң ҳақли инсон ким?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Онанг**”, дедилар. “Кейин ким?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Онанг**”, дедилар. “Кейин ким?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Онанг**”, дедилар. “Сўнгра ким?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Отанг**”, дедилар. Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Онангга, онангга, онангга ва сўнгра отангга ва сўнг яқинларингга**”, дедилар» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

**Шарҳ ва изоҳ:** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда ҳомиладорлик давридаги қийинчилик, туғиши оғриқлари ва эмизиш мashaққатларини бошидан кечиргани ҳамда отага нисбатан заиф бўлгани учун онанинг бошқалардан кўра яхшилик ва хизматга ҳақлироқ эканини баён қилиб бердилар. Чунки ота ўзи ишлаб пул топади. Она эса ҳар доим уйдалиги учун нафақа ва ёрдамга доимо муҳтоҷ бўлади. Шунинг учун ота яхшиликка онадан кейин ҳақли бўлади. Фарзанд учун отага ҳам ҳурмат кўрсатиш, ҳам итоат қилиш, хизматида бўлиш ва азият етказмаслик она каби бирдек вожибdir. Лекин барибир она-нинг ҳақи улуғdir. Ота-онадан кейин яхшилик қилиш қариндошлик ва туғишганлик даражасига қараб бирин-кетин келаверади. Шундай қилиб, ҳар бир насаб ва қудачиликка кўра яқинроқ бўл-

ган кишилир силаи раҳмга ва эҳсонга ҳам ҳақлироқ бўлиб бораверади.

Баъзи аҳли илмлар айтади: “Она яхшилик нинг тўртдан уч қисмига ҳақлидир. Чунки Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) онага яхшилик қилишни уч маротаба таъкидладилар. Бунинг боиси онанинг учта қийинчиликни бошидан кечиргани учундир. Улар:

- 1) ҳомиладорлик қийинчилиги;
- 2) туғиш азоби;
- 3) эмизиш мashaққати”.

Агар фарзанд камбағал бўлиб, ота-онасидан фақат биригагина нафақа қилишга имкони етса, онасига нафақа қилиш вожиб бўлади. Лекин улуғлаш ва ҳурмат қилишда отанинг ҳақи онадан олдин туради.

## ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ЖАННАТГА КИРИШГА САБАБДИР

عَنْ أَبِي أُمَّامَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ،  
مَا حَقُّ الْوَالِدَيْنِ عَلَى وَلَدِهِمَا؟ قَالَ: «هُمَا جَنَّتُكَ وَنَارُكَ». رَوَاهُ  
ابْنُ مَاجَهٍ.

Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, ота-онанинг боласидаги ҳақи нима?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Улар сенинг жаннатинг ёки жаҳаннаминг”, дедилар» (Ибн Можа ривояти).

**Шарҳ ва изоҳ:** Ҳадиснинг маъноси шуки, агар сен ота-онангга яхшилик қилиб, хизматларида қоим бўлиб, уларни рози қилсанг, Аллоҳнинг ризоси ва жаннатига эришасан. Агар бу ишларнинг акси бўлса, уларга оқ бўлган ва озор берган бўласан, натижада бу ишларинг учун дўзахга кирасан. Шунинг учун улар сенинг жаннатинг ёки дўзахингдир.

## АЛЛОҲНИНГ РОЗИЛИГИ ОТА-ОНА РОЗИЛИГИДА

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "رَضِيَ اللَّهُ فِي رَضِيِ الْوَالَّدَيْنِ، وَسَخَطٌ اللَّهِ فِي سَخَطِ الْوَالَّدَيْنِ". أَخْرَجَهُ الْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анхумо)дан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “**Аллоҳнинг розилиги ота-онанинг розилигидадир. Аллоҳнинг ғазаби ота-онанинг норизолигидадир**”, дедилар (*Имом Ҳоким ва Имом Байҳақий ривоят қилган*).

**Шарҳ:** Агар сен ота-онангни рози қилсанг, Аллоҳ сендан рози бўлади. Агар норизо қиласиган бўлсанг, Аллоҳ ҳам сендан рози бўлмайди. Чунки Аллоҳ ота-онага яхшилик қилишга ва розилигини топишга буюрган. Агар сен ота-онага итоатсизлик қилсанг, Аллоҳ сендан ғазабланади. Булар фақатгина мубоҳ ишларгагина тааллуқлидир. Агар сен қилган бирор шаръян вожиб иш-

дан ғазаблансалар ёки бирор фарз амални тарк қилишга буюрсалар ё бирор гуноҳ ишга мажбурашганда итоат этмасанг, уларнинг норозилиги зарар келтирмайди. Аллоҳ таоло бу ҳолатда фарзанддан ғазабланмайди. Балки Ўзининг ҳақини устун қўйиб, ота-онасига итоат қилмагани учун рози бўлади.

## ОТА ЖАННАТНИНГ ЎРТА ЭШИГИДИР

وَعَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: "الْوَالِدُ أَوْسَطُ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ، فَاحْفَظْ ذَلِكَ الْبَابَ أَوْ ضَيْعْهُ". رَوَاهُ الْحَاكِمُ، وَقَالَ: صَحِيحٌ، وَالْبَيْهَقِيُّ.

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. У киши айтади: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: **“Ота жаннатнинг ўрта эшигидир. Хоҳла бу эшикни сакла, хоҳла зое қил”**, деяётганларини эшитдим» (Имом Ҳоким ва Имом Байҳақий ривояти).

## ОТА-ОНАГА МЕХР БИЛАН ҚАРАШ САВОБИ МАБРУР ҲАЖ ЁКИ ҚУЛ ОЗОД ҚИЛИШ САВОБИГА ТЕНГ

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مَا مِنْ وَلَدٍ بَارِزٌ بِنَظَرٍ وَالَّذِيْهِ نَظَرَةٌ رَحْمَةٌ إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ بِكُلِّ نَظَرٍ حَجَّةً مَبْرُورَةً"، قَالُوا: وَإِنْ نَظَرَ فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةً؟

قالَ: ”اللَّهُ أَكْبَرُ وَأَطِيبُ“. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شَعْبِ الْإِيمَانِ.

Иbn Аbbос (розияллоху анху)дан келтирилган ривоятда Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): “Солиқ фарзанд ота-онасига меҳр билан қараса, Аллоҳ унга ҳар бир назари эвазига биттадан мабрур ҳажнинг савобини ёзади”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Агар бир кунда юз маротаба қараса ҳамми?” дедилар. Шунда Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): “Аллоҳ улуғдир ва яхишироқдир”, дедилар (Ином Байҳақий “Шуғабул имон” китобида ривоят қилган).

وَقَدْ رُوِيَ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”إِذَا نَظَرَ الْوَالَدُ إِلَى وَلَدِهِ فَسِرْهُ - يَعْنِي: فَسَرَّ بِهِ - كَانَ لِلْوَالَدِ عَتْقُ نَسَمَةٍ“، قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَإِنْ نَظَرَ ثَلَاثَمَائَةً وَسِتِّينَ نَظَرَةً؟ قَالَ: ”اللَّهُ أَكْبَرُ مِنْ ذَلِكَ.“.

Яна Ibн Аbbос (розияллоху анху)дан ривоят қилинади. У киши айтади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): “Агар ота фарзандига қараса ва хурсанд бўлса, (яъни, ота у сабабли хурсанд бўлса) фарзанд бир қулни озод қилганлик савобига эга бўлади”, дедилар. Шунда: “Ё Расулуллох, агар уч юз олтмиш маротаба қараса ҳамми?” дейишиди. Шунда Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): “Аллоҳ ўша нарсадан ҳам улуғдир”, дедилар».

Бунинг маъноси, Аллоҳнинг тухфаси ва фазлиниг улуғ эканидир. Чунки Аллоҳ таоло ато қилган нарсасини бекаму кўст етказадиган Зотдир.

## ОТАЛАРИНГИЗГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ! ФАРЗАНДИНГИЗ ҲАМ СИЗГА ЯХШИЛИК ҚИЛАДИ

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”عِفُوٌ عَنْ نِسَاءِ النَّاسِ تَعْفُ نِسَاءُكُمْ، وَبَرُّوا آبَاءَكُمْ تَبَرُّكُمْ أَبْنَاءُكُمْ، وَمَنْ أَتَاهُ أَخْوَهُ مُتَنَصِّلًا فَلِيَقْبَلْ ذَلِكَ مِنْهُ مُحَقَّا كَانَ أَوْ مُبِطِلاً، فَإِنْ لَمْ يَفْعَلْ لَمْ يَرِدْ عَلَيَّ الْحَوْضَ“ . أَخْرَجَهُ الْحَاكِمُ.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Бошқаларнинг аёлларидан ўзингизни тийинг. Бошқалар ҳам сизларнинг аёлларингиздан тийилади. Оталарингизга яхшилик қилинг. Ўғилларингиз сизларга яхшилик қилишиади. Бирор кишининг олдига биродари беғараз ниятда келса, у ҳақ бўлсин, ноҳақ бўлсин, уни қабул қилсин. Ким шуни қилмаса, ҳузуримга келиб, Ҳавз (Кавсар)дан ичмайди*”, дедилар (Имом Ҳоким ривоят қилган).

**Шарҳ ва изоҳ:** Албатта, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гўзал хулқларнинг муаллими бўлганлар. У киши умматларини яхши фазилат-

ларга ва гўзал ахлоққа ўргатганлар. Яна у киши: “Мен гўзал хулқларни батамом қилиш учун юборилдим”, деганлар. Юқоридаги ҳадиси шариф бизларга қуидаги учта ҳолатни баён қилиб беради:

**Биринчиси**, агар сизлар бу гўзал ҳаётда ифратли, покиза ва вижданан яшасангизлар, аёлларингиз ҳам афиға ва пок бўладилар. Иззат ва улуғлик Раббиси – Аллоҳ таолонинг Ўзи сизларни иффатларингиз ҳамда ёмон ишлардан тийилганингизиз учун мукофот ўлароқ аёлларингизни бузуқлик ва ахлоқсизликдан сақлайди.

**Иккинчиси**, агар сизлар оталарингизга яхшилик қылсангиз, Аллоҳ таоло ўғилларингизни солих, итоаткор ва яхшилик қилувчилардан қилиб қўяди. Чунки фарзандлар оталарининг боболарини, яъни оталари ўз оталарини ҳурмат қилишлари ҳамда уларга таъзим ва хорлик билан муомала қилишлари ва уларга одоб билан гапирганларини кўрсалар, бундан ибрат оладилар ва отанинг мартабаси улуғ экани, мукофот ва ҳурматга фақат отагина лойиқ эканини биладилар. Шундан кейин улар ҳам оталарига, оталари боболарига қилган муомалани қиласилар.

Бу гапларни ҳаммамиз биламиз, эшитганмиз, кўрганмиз. Аммо мукофот амалнинг жинсидан экани, яъни амалга қараб мукофот берилишини ўйламаймиз. Агар сен отангга яхшилик қылсанг, Аллоҳ сенга яхшилик қиласиган ўғилларни беради. Агар бунинг акси бўлса, натижаси ҳам шунга қараб бўлади. Буларни яхшилаб эслаб қолгин, барака топгур!

### **Отасига оқ бўлган кишининг қиссаси**

Айтишларича, бир киши жуда қариб, кучсизланиб қолган отасидан қутулиш учун уни елкасига опичлаб қўчага чиқди. Бир чуқурга етганида отаси: “Эй болам, бу чуқурга мени ташлама. Чунки мен ҳам бир пайтлар бу ерга отамни ташлаб кетган эдим”, деди. Шунда ўғилнинг кўзи очилди. Агар у ҳозир отасини ташлаб кетса, эртага ўғиллари ҳам унга шундай муомалада бўлади. Дарҳол бу ўйлаган ишидан қайтди ва Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қилди.

**Учинчиси**, агар қариндош ёки дўстларингизнинг бири билан ораларингизда низо чиқиб, аразлашиб қолсаларингиз, у биринчи бўлиб узр сў-раб, кечиришингизни ва ярашишни сўраб келса, агар у зулм қилган ва хато ундан ўтган бўлса ҳам, узрини тезда қабул қилинг ва гуноҳидан ўтиб, у билан ярашиб олинг. Лекин у хатосини тан олмасдан, фақат узр сўраб келса ҳам, унинг узрини қабул қиласеринг. Акс ҳолда Пайғамбаримиз Мұҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳовузлари Ҳавзи Кавсадан ичиш баҳтидан маҳрум бўлиб қоласиз. Бунинг ҳасрати ва ундан маҳрум бўлиш оғир эмасми?

وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”مَنْ اعْتَدَرَ إِلَى أَخِيهِ فَلَمْ يَعْذِرْهُ أَوْ لَمْ يَقْبَلْ عُذْرَهُ كَانَ عَلَيْهِ مِثْلُ حَطِيَّةِ صَاحِبِ مَكْسٍ“ . رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ .

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимники бир биродари узр сўраса-ю, уни кечирмаса ёки узрини қабул қилмаса, унга судхўрнинг гуноҳича гуноҳ бўлади”, деб айтдилар (Имом Байҳақий ривояти).

## ОТАНИНГ ДУОСИ ҚАБУЛДИР

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”ثَلَاثُ دَعَوَاتٍ مُسْتَجَابَةٌ لَا شَكَّ فِيهِنَّ: دَعْوَةُ الْوَالِدِ، وَدَعْوَةُ الْمُسَافِرِ، وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ“. رَوَاهُ أَبُو دَاؤدُ وَالترْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهْ.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан келтирилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч кишининг дуоси қабул бўлишида шубҳа йўқ: отанинг дуоси, мусоғирнинг дуоси ва мазлумнинг дуоси”, дедилар (Имом Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти).

**Шарҳ ва изоҳ:** Бу ҳадиси шарифдан ота дуосининг аҳамияти ва фарзанди ҳақига қилган дуосининг қабул бўлиши маълум бўлади. Мулло Али Қорий (раҳимаҳуллоҳ) “Мишкот”га ёзган шарҳида айтади: “Бу ҳадисда онанинг дуоси айтилмади. Лекин шуниси аниқки, агар отанинг дуоси қабул бўлса, онанинг дуоси қабул бўлиши ҳақлироқ ва авлороқдир. Чунки унинг ҳақи отаникидан улуғроқдир”.

Шунинг учун фарзандлар зиммасига ота-она-ларига яхшилик қилиш, дуоларини олиш ҳамда ғазабларини чиқарадиган, натижада фарзанд-ларини дуоибад қиласидиган амаллардан эҳтиёт бўлиш вожиб бўлади. Чунки улар сендан хурсанд бўлиб, ҳақингга дуо қиласидиган бўлсалар, икки дунё саодатига эришасан. Агар сени дуоибад қилсалар, у дунёю бу дунё баҳтиқаро бўласан. Аллоҳ бундан ҳаммамизни асрасин!

## ОТА-ОНАГА ҚАНДАЙ МУОМАЛА ҚИЛИНАДИ?

وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَتَى رَجُلٌ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعْهُ شَيْخٌ، فَقَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ هَذَا مَعَكَ؟" ، قَالَ: أَبِي، قَالَ: "لَا تَمْشِينَ أَمَامَهُ وَلَا تَقْعُدْ قَبْلَهُ، وَلَا تَدْعُهُ بِاسْمِهِ، وَلَا تَسْتَسْبِ لَهُ". رَوَاهُ ابْنُ مُرْدَوِيَهُ.

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан келтирилган ри-воятда бир киши бир чол билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдиларига келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сен билан келган бу киши ким?” дедилар. У: “Отам”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Харгиз унинг олдида юрма, ундан олдин ўтирма, уни исми билан чақирма ва унга сўкиши келтирма”, дедилар (Ибн Мардувайҳ ривояти).

**Шарҳ ва изоҳ:** Ота-онага ҳурмат күрсатиш сүз билан, амал билан ва эътиқод билан бўлади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифларида риоя қилиш лозим бўлган бир неча воёжиги ишларни зикр қилдилар.

**Биринчиси,** отанинг олдида юришдан қайтардилар. Чунки ёши кичиклар ва хизматчиликлар хўжайин ва ёши катталар олдида эмас, уларнинг орқаларидан юришади. Истисно ҳолатларда зарурат ва ҳожат бўлгани учун отанинг олдига ўтиб юриши мумкин.

**Иккинчиси,** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отадан олдин ўтиришдан қайтардилар. Яъни, сен отанг билан бирор мажлисга борсанг, унга одоб кўрсатиб ундан олдин ўтирмагин.

**Учинчиси,** уни исми билан чақиришдан ман қилдилар. Чунки отани исми билан чақириш одобсизликдир. Балки унга иззат-хурмат билан гапириш лозим.

**Тўртингчиси,** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-онага сўкиш келтиришдан қайтардилар. Яъни, сен бирор кишининг отасини сўкмагин. Агар сўксанг, у ҳам отангни сўкади. Сен эса бу ишга сабабчи бўлиб қоласан.

## ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ РИЗҚ ВА УМРНИ ЗИЁДА ҚИЛАДИ

وَعَنْ أَنَسَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَمْدُدَ اللَّهَ لَهُ فِي عُمْرِهِ وَبِزِيَّدَ فِي رِزْقِهِ فَلَيْبِرُ وَالْدَّيْهِ وَلِيَصْلُ رَحْمَهُ“. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Анас (розияллоҳу анҳу)дан келтирилган ри-воятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам): “*Ким Аллоҳ унинг умрини узун қилишини ҳамда ризқини зиёда қилишини яхши кўрса, ота-онасига яхшилик қилсин ва силаи раҳм қилсин*”, деганлар (*Имом Байҳақий ривояти*).

**Шарҳ ва изоҳ:** Бу ҳадиси шарифдан ота-онага яхшилик қилиш ризқнинг кенг ва умрнинг узун бўлишига сабаб экани маълум бўлади. Лекин бу нарса ота-онага яхшилик қилишнинг ўзи билан-гина амалга ошмайди. Балки у силаи раҳм қилиш билан мутлақ умрнинг узун бўлиши ва ризқнинг зиёдалигига сабаб бўлади.

Кўп ёшлар хотини ва фарзандларига нафа-қа қилишда қўли очиқ бўлиб, ҳатто уни исроф даражасига етказади. Лекин зиммасидан соқит бўлмайдиган ота-оналарининг ҳақларини адо этмайдилар. Ҳатто улардан мол-мулкларини қизғанади. Ота-она бу амали туфайли фарзанд улуғ мукофотлар, катта савоблар ва ризқдаги баракадан ўзини маҳрум қилаётганини ўйлаб афсус ва надомат чекишади. Шу каби, кимки

қариндошлари билан силаи раҳмни узса, қодир бўлатуриб эҳтиёж ва зарурат пайтида уларга ёрдам бермаса, у ҳам гуноҳкор ва барча яхшиликлардан маҳрум бўлади.

## ЮТУҚ ВА АМАЛНИНГ САВОБИНИ ОТА-ОНАГА БАҒИШЛАШ

وَعَنْ أَبْنَى عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَرْجُلٌ لَهُ حَشْمٌ، خَلْقًا،  
فَقَالُوا: لَوْ كَانَ هَذَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ  
وَسَلَّمَ: ”لَعَلَّهُ يَكُدُّ عَلَى أَبْوَيْنِ شِيَخِينَ كَبِيرَيْنَ فَهُوَ فِي سَبِيلِ  
اللَّهِ، لَعَلَّهُ يَكُدُّ عَلَى صَبِيهِ صَغَارٌ فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، لَعَلَّهُ  
يَكُدُّ عَلَى نَفْسِهِ لِيُغْنِيَهَا عَنِ النَّاسِ فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ“. رَوَاهُ  
الْبَيْهَقِيُّ.

Ибн Умар (розияллоҳу анху)дан келтирилган ривоятда: «Гавдали, бақувват бир киши ўтди. Шунда сахобалар: “Бу киши қувватини Аллоҳ йўлида сарфласа эди”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар у бу кучини ёши улуғ қари ота-онасининг хизматида сарфласа, бу ҳам Аллоҳ йўлидадир. Агар у бор кучини ёш болаларининг нафақаси учун сарфласа ҳам, у ҳам Аллоҳ йўлидадир. Яна у имкониятини одамлардан беҳожат бўлиши учун ўзига сарфлаган бўлиши ҳам мумкин. У ҳам Аллоҳ йўлидадир”, дедилар» (Имом Байҳақий ривояти).

**Изоҳ:** Бу муборак ҳадисдан маълум бўлишича, ҳалол қасб қилишга интилиш, ота-она, фарзандлар ва ўзи учун ризқ талаб қилиш, ҳаммаси, агар ният тўғри бўлса, Аллоҳнинг йўлида юргандек бўлар экан.

## **ОТА-ОНАСИННИ ЙИҒЛАТГАН КИШИГА ПАЙҒАМБАРИМИЗ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ)НИНГ НАСИҲАТЛАРИ**

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُبَايِعُهُ عَلَى الْهِجْرَةِ فَقَالَ: إِنِّي جِئْتُ أُبَايِعُكُمْ عَلَى الْهِجْرَةِ وَتَرَكْتُ أَبْوَيَّ يَبْكِيَانَ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "اْرْجِعْ إِلَيْهِمَا فَأَضْحِكُهُمَا كَمَا أَبْكَيْتُهُمَا". رَوَاهُ الْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرِكِ.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)-дан ривоят қилинади. У киши айтади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдиларига бир киши ҳижрат учун байъат қилишга келди ва деди: “Мен ота-онамни йиғлаган ҳолда қолдирив, ҳижрат қилиш учун байъат қилгани келдим”. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уларнинг ҳузурига қайтиб бориб, қандай йиғлатган бўлсанг, шундай хурсанд қилиб кулдиргин”, дедилар» (Имом Ҳоким “Мустадрак”да ривоят қилган).

**Изоҳ:** Бу киши ота-онасини яхши иш ва эзгу ният учун қолдириб, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳижрат учун байъат қилмоқчи бўлди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг бу ишини маъқулламайдилар, ота-онаси олдига қайтишга буюрдилар. Яна қалбларига қандай маҳзунлик солган бўлса, худди шундай хурсандчилик олиб киришга амр қилдилар. Бундан маълум бўладики, ота-онанинг ризоси ва хотиржамлиги ҳамма нарсадан муҳим экан. Бу воқеа Ислом дини бутун дунёга тарқалиб, ҳижратнинг фарзлиги насх бўлгандан кейин со-дир бўлган. Щунинг учун бу кишининг ҳижрати вожиб бўлмаган ҳижрат бўлгани учун Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни қайтишга амр қилдилар. Бу ҳадиси шарифдан ота-она учун азият ва нотинчлигига сабаб бўладиган ҳар қандай амалнинг ҳаромлиги маълум бўлади.

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: إِبْكَاءُ الْوَالِدِينِ مِنِ  
الْعُقُوقِ وَالْكَبَائِرِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анхұмо)дан ривоят қилинади: “Ота-онани йиғлатиш ва уларга оқ бўлиш гуноҳи қабиралардандир” (Имом Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад”да ривоят қилган).

Увайс Қараний Яман аҳлидан эди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни: “Хайрут тобеин” – тобеинларнинг ях시스и, деб атаганлар. Саҳобаларига: “Агар у билан учраиссангиз, ундан ўзларингиз учун истигфор айтишини сўранг-

лар”, деганлар. Увайс Қараний Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида Исломга кирған эди. Лекин онасининг хизматида машғул бўлгани учун Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан кўришиш баҳтига мушарраф бўлмаган. Шунинг учун у кишининг сұхбати шарифларидан маҳрум бўлган. Шундай бўлса ҳам Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг Мадинага, ўзларининг зиёратига келмагани учун айбламаганлар. Чунки унинг онасига хизмат қиласидиган ва унга қараб турадиган ундан бошқа одами бўлмаган. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Увайс Қараний ҳақларида: “**Унинг онаси бор. У онасига яхшилик қилувчиидир. Агар у Аллоҳга дуо қилса, Аллоҳ уни қабул қиласи**”, деганлар.

## ОТА-ОНАГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ҲАЖ ВА УМРА САВОБИГА ТЕНГ

وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ أَتَى رَجُلٌ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنِّي أَشْتَهِي الْجَهَادَ وَلَا أَقْدِرُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: ”هَلْ بَقَيَ أَحَدٌ مِنْ وَالدِّيْكَ؟“، قَالَ: أُمِّي، قَالَ: ”فَاتَّقِ اللَّهَ فِيهَا فَإِذَا فَعَلْتَ ذَلِكَ، فَأَنْتَ حَاجٌ وَمُعْتَمِرٌ وَمُجَاهِدٌ، فَإِذَا دَعَتْكَ أُمُّكَ فَاتَّقِ اللَّهَ وَبِرَّهَا“. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади.

Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ниң одиларига келиб: “Мен жиҳодга бо-

ришга қизиқаман. Лекин унга қодир әмасман”, деди. Шунда Расулллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ота-онанғдан бирортаси қолғанми?*” дедилар. У: “Онам бор”, деди. “*Ундоқ бўлса онанг ҳақида Аллоҳдан қўрққин. Агар шу ишни қиласанг, ҳаж, умра ва жиҳод қилгандек бўласан. Агар онанг чақирса, Аллоҳга тақво қилиб, унга яхшилик қил*”, дедилар (*Ином Байҳақий ривояти*).

**Изоҳ:** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси муборакда онанинг амрини дарҳол бажаришни буюрдилар. Агар онанг бирор хизматни буюрса, дарҳол уни бажар. Илм аҳллари айтади: “Агар бир киши фарз бўлган намозда бўлса-ю, шу пайтда онаси ёки отаси чақириб қолса ва эътиборсиз қолдиргани учун уларга қаттиқ зарар етадиган бўлса, намозини бузиб чақириғига жавоб бериши керак. Агар зарар етишидан хавотир олмаса, намозини тугатганидан сўнг кечиккани учун узр сўраб сабабини тушунтиради.

Аммо нафл намозида бўлса, онаси ёки отаси чақиригини эшитган заҳоти намозини бузиб, буйруқларини бажо келтириши керак. Лекин ота-онаси фарзанди намоз ўқиётганини билса ва агар намозини тугатганига қадар топшириклари кечикишида зарар етмайдиган бўлса, намозини тугаллаб қўйиши мустаҳаб бўлади”.

**УЧИНЧИ ФАСЛ**  
**ОТА-ОНАСИГА ОСИЙЛИК ВА**  
**БЕОДОБЛИК ҚИЛГАНЛАР ҲАҚИДА**  
**КЕЛГАН ҲАДИСЛАР**

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الْكَبَائِرُ: إِلَإِشْرَاكٌ بِاللَّهِ، وَعُقُوقُ الْوَالَّدِينِ، وَقَتْلُ النَّفْسِ، وَالْيِمِينُ الْغَمُوسِ". رَوَاهُ الْبَخَارِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анхұмо)дан ривоят қилинади. У киши айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Гуноҳи кабиралар: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онаға оқ бўлиши, одам ўлдириши ва ёлғондан қасам ичиши”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

**Изоҳ:** Албатта, гуноҳи кабираларнинг турлари кўп. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси муборакларида гуноҳи кабираларнинг энг каттаси, яъни инсон ҳалокатига сабаб бўладиган ҳамда дунё ва охиратда ҳасрат бўладиган (Аллоҳ ҳаммамизни ундан узоқ қилсан) гуноҳни зикр қилдилар. Аммо эътиборли томони Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-онаға оқ бўлишни гуноҳи кабираларнинг энг каттаси Аллоҳга ширк келтиришдан кейин зикр қилдилар.

Ота-она озорига сабаб бўладиган сўз бўлсин ёки амал бўлсин, барчаси оқ бўлишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, ота-она муҳтож бўлганда на-

фақа қилишга қудрати ва имконияти бўлатуриб, бермаслик ҳам оғир гуноҳдир. Юқорида ўтган ҳадисларда ота-онага яхшилик қилиш вақтида ўқилган намоздан кейин Аллоҳ таолога севимли амал бўлгани каби, ота-онага оқ бўлиш Аллоҳга ширк келтиришдан кейинги гуноҳларнинг каттасидир. Ана шундан бу улкан гуноҳнинг хатари қанчалик эканини билдинг. Энди уларни яхшилаб ёдингда сакла, Аллоҳ раҳм қилгур.

### ОТА-ОНАСИ ХИЗМАТИНИ ҚИЛА ОЛМАЙ, ЖАННАТДАН МАҲРУМ БЎЛГАН КИШИ

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”رَغْمَ أَنفُهُ، رَغْمَ أَنفُهُ“، قِيلَ: مَنْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: ”مَنْ أَدْرَكَ وَالدَّيْهُ عِنْدَ الْكِبِيرِ أَحَدَهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا ثُمَّ لَمْ يَدْخُلِ الْجَنَّةَ“. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “Бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин, бурни ерга ишқалансин”, дедилар. “Ким у, эй Расулуллоҳ”, дейилди. “Кимки ота-онасининг иккисини ёки бирини қариган чоғида топса-ю, сўнгра жаннатга кира олмаса”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

**Шарҳ ва изоҳ:** Юқорида ўтган ҳадислардан маълумки, ота-она хизмати ва уларга эҳсон қи-

лиш жаннатга кириш учун сабаблар ичидаги энг каттасидир. Энди ота-онаага оқ бўлиш, азият етказиб, ҳақларини поймол қилиш эса жаҳаннамга киришга сабаб экан (Аллоҳ ҳаммамизни бундай оқибатдан асрасин). Гоҳида бандадан баъзи бир гуноҳлар ва ота-онаси хизматида нуқсонлар содир бўлиб туради. Шундай экан, кимнинг ота-онаси ёки бири қарилик ёшига етса, эзгу дуоларини олиш учун уларнинг хизмати ва итоатида бўлишга қаттиқ ҳаракат қилсин. Агар бунинг аксини қилиб, озор етказиб, ҳақларини зое кетказса ҳамда зиммасидаги вожиботларни бажармаса, дўзахга кириши ва Набий (соллаллоҳу алайхи ва саллам) дуоларидағи оқибатга ноил бўлиши аниқ бўлади. Аллоҳ ҳаммамизни ота-онаага оқ бўлишдан сақласин.

## ОТА-ОНАСИГА ЯХШИЛИК ҚИЛУВЧИГА ЖАННАТ ЭШИКЛАРИ ОЧИҚДИР

وَعَنْ أَبْنَ عَبَّاسِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ أَصْبَحَ مُطِيعًا لِّلَّهِ فِي وَالدِّيَهِ أَصْبَحَ لَهُ بَابَانِ مَفْتُوحَانِ مِنَ الْجَنَّةِ، وَإِنْ كَانَ وَاحِدًا فَوَاحِدٌ، وَمَنْ أَصْبَحَ عَاصِيًّا لِّلَّهِ فِي وَالدِّيَهِ أَصْبَحَ لَهُ بَابَانِ مَفْتُوحَانِ مِنَ النَّارِ، وَإِنْ كَانَ وَاحِدًا فَوَاحِدٌ" ، قَالَ رَجُلٌ: وَإِنْ ظَلَمَاهُ؟ قَالَ: "وَإِنْ ظَلَمَاهُ، وَإِنْ ظَلَمَاهُ، وَإِنْ ظَلَمَاهُ". رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شَعْبِ الإِيمَانِ.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қи-линиади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам): *“Кимки ота-онаси ҳақида Аллоҳга ито-атли бўлса, унга жаннатдан икки очиқ эшик бўлади. Агар битта бўлса, у ҳам битта бўлади. Кимки ота-онаси ҳақида Аллоҳга осий бўлса, унга дўзахдан икки очиқ эшик бўлади. Агар бит-та бўлса, у ҳам битта бўлади”*», дедилар. Шун-да бир киши: «Агар унга ота-онаси зулм қилсалар ҳамми?» деди. *“Агар унга зулм қилсалар ҳам, агар унга зулм қилсалар ҳам”*, дедилар» (Имом Байҳақий “Шуға-бул имон”да ривоят қилган).

**Шарҳ ва изоҳ:** Бу ҳадисдан ота-онага яхшилик қилишнинг фазилати нақадар улуғлиги маълум бўлади. Бу эса ота-онаси хизматида Аллоҳга ито-ат қилган кишига жаннат эшиги очилишига сабаб бўлади. Яна бу ҳадисдан ота-онасини норози қилиб, Аллоҳга исён қилган ва зиммасига тушган вожибларни бажармаган киши учун эса қаттиқ ваъидлар борлиги маълум бўлади. Бу ваъидлар унга дўзах эшиклари очилишидир. Аллоҳ бар-чаларимизни ундан узоқ қилсин!

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: *“Агар унга зулм қилсалар ҳам”*, деган сўzlари маъноси шуки, агар ота-она фарзанди ҳақини адо этишда камчиликка йўл қўйсалар. Бу фарзандини оқ қилганидан кейин кечирмасалар деганидир. Шунда ота-она зулм ва камчиликка йўл қўйган бўлиб қолади. Чунки Аллоҳ бирор кишига заррача зулм қилмайди. Ота-онага фарзанди ҳақини адо этишда Аллоҳга тақво қилиши ҳамда фарзанд-

лари орасида адолат қилишлари вожиб бўлади. Чунки Аллоҳ таоло зулмга рози бўлмайди. Лекин фарзандлар ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-оналигига яхшилик қилишга буюрилганлар.

Агар бу қоидага амал қилиб юрилса, ўз-ўзидан низолар ва ихтилофлар барҳам топади. Чунки мусулмон зиммасида ўз мажбуриятларини бажардими, йўқми, ишни назорат қилиб бориш бор, холос. Агар ҳамма буни бараварига бажарса, ҳамма роҳатда ва саодатда бўлади. Тавфиқ Аллоҳдандир.

## ОТА-ОНАГА ҒАЗАБ БИЛАН ҚАРАШ

وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا بَرَّ أَبَاهُ مَنْ حَدَّ إِلَيْهِ الْطَّرَفَ". رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي الشَّعْبِ.

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки отасига ғазаб назари билан қараган бўлса, унга яхшилик қилмабди”, дедилар» (Имом Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган).

## ОТА-ОНАНИ ҲАҚОРАТЛАШ ГУНОҲИ КАБИРАЛАРДАНДИР

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مِنَ الْكَبَائِرِ شَتْمُ الرَّجُلِ وَالِّدِيهِ"، قَالُوا:

يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَهَلْ يَشْتِمُ الرَّجُلُ وَالدَّيْهِ؟ قَالَ: ”نَعَمْ يَسْبُّ أَبَا الرَّجُلِ فَيَسْبُّ أَبَاهُ وَيَسْبُّ أُمَّهُ فَيَسْبُّ أُمَّهُ“ . رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ .

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анхумо)дан ри-воят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): *“Кишининг ота-онасини ҳақоратлаши гуноҳи кабирадир”*, дедилар. Шунда саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, киши ўз ота-онасини ҳам ҳақоратлайдими?” дедилар. *“Ҳа, у бир кишининг отасини сўқади, у ҳам қайтариб отасини сўқади. У бирор кишининг онасини сўқади, у ҳам қайтариб онасини сўқади”*, дедилар» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

**Шарҳ ва изоҳ:** Бу ҳадиси шарифдан ота-онаси ҳақорат қилиб сўкиш гуноҳи кабиралардан бири экани маълум бўлмоқда. Қандай қилиб, киши ўз ота-онасини сўкиши мумкин? Ахир бу гуноҳи азим-ку. Саҳобалар (розияллоҳу анхум) ҳам бундан ажабланиб сўрашди: “Киши ўз ота-онасини ҳам сўқадими?” Чунки саҳобалар замонида бундай ярамас ишни қилишга журъат этадиган кишининг ўзи бўлмаган. Лекин бизнинг замонимизда ота-онасини сўкиб, ҳақоратлайдиганлар кам бўлса-да учраб туради. Албатта, барчамиз Аллоҳникимиз ва барчамиз Унга қайтувчимиз.

## ОТА-ОНАСИНИ ЛАҶНАТЛАГАН КИШИНИ АЛЛОҲ ҲАМ ЛАҶНАТЛАЙДИ

وَعَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَكَرَمَ وَجْهُهُ الشَّرِيفَ قَالَ: مَا خَصَّنَا  
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشَيْءٍ لَمْ يَخُصْ بِهِ النَّاسُ إِلَّا  
مَا فِي قِرَابِ سَيِّفِي، ثُمَّ أَخْرَجَ صَحِيفَةً فَإِذَا فِيهَا مَكْتُوبٌ: ”لَعْنُ  
اللَّهِ مَنْ ذَبَحَ لِغَيْرِ اللَّهِ، لَعْنَ اللَّهِ مَنْ سَرَقَ مَنَارَ الْأَرْضِ، لَعْنَ اللَّهِ  
مَنْ لَعَنَ وَالدِّيْهِ، لَعْنَ اللَّهِ مَنْ آوَى مُحْدِثًا“. رَوَاهُ الْبَخَارِيُّ فِي  
الْأَدَبِ الْمُفَرِّدِ وَرَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Али (розияллоҳу анҳу ва каррамаллоҳу важ-ҳаху)дан ривоят қилинади: «Бизни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана бу қиличим қинидаги нарса билангина одамлардан хосладилар». Сўнгра сахифани чиқардилар. Унда бундай ёзилган эди: “Аллоҳдан бошқасига атаб жонлиқ сўйганни Аллоҳ лаънатлади. Ер белгиларини ўғирлаган кишини Аллоҳ лаънатлади. Ота-онаси ни лаънатлаган кишини Аллоҳ лаънатлади. Мұхдисса бошпана берганни Аллоҳ лаънатлади”» (Имом Бухорий “Ал-адаб ал-муфрад”да ва Имом Муслим ривоят қилған).

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Аллоҳнинг лаънатига мустаҳиқ ва Унинг раҳматидан маҳрум кишилардан тўрт тоифаси ҳақида сўз боради.

Биринчиси: Аллоҳдан бошқанинг номига атаб жонлиқ сўйган киши. Чунки жонлиқ ва түя қурбон ҳайитида мусулмонлар сўйганлариdek фақатгина Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ниятида сўйилса жоиздир. Кимки жонлиқни бут-санамлар ёки қабр эгасига ёки бирор шайхга атаб сўйса, Аллоҳнинг лаънатига учрайди. Бу иш очик-ойдин ширкдир. Аллоҳ ҳаммамизни бу гуноҳдан асрасин.

Иккинчиси: Бошқанинг мулкидаги ерларни ўзининг ерига ноҳақ қўшиб олиш учун чегара белгиларини ўзгартирган киши. Бундай ишлар кўпроқ дехқонлар ва ер-мулк эгалари ўртасида содир бўлади. Улар чегара белгиларини ёки тақсимланиб бўлган хариталарни ҳам ноҳақ ўзгартиради.

Учинчиси: Ота-онасини лаънатлаган киши. Бундай киши лаънатга қандай лойиқ бўлмасин. Ахир Аллоҳ ота-онаси ҳузурида уни “уф” дешишдан ҳам қайтарган бўлса. Яна қандай қилиб уларга лаънат айтиш жоиз бўлсин. Лекин ҳозирда бу каби ножоиз амаллар одамларнинг кўпида содир бўлиб турибди. Имом Ҳокимнинг “Мустадрак” китобида: **“Ота-онасига оқ бўлганни Аллоҳ лаънатлади”**, ҳадиси бошқачароқ лафзда келган.

Тўртинчиси: Мұҳдисга бошпана берган киши. Яъни, эътиқодий ёки амалий бўлсин, динда янгилик пайдо қилган бидъатчига жой берган киши. Чунки ҳар бир бидъат залолатдир. Кимки уни пайдо қилувчига бошпана берса, у ҳам лаънатга лойиқдир.

Мутаржим (ғафараллоҳу лаҳу) айтади:

“Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилмаган ва уни қилишга ҳам буюрмаган ҳамда у кишидан кейин хулафои рошидинлар ва сахобаи киромлар (розияллоҳу анҳум) ҳам қилмаган ва асли динда бўлмаган ишга бидъат деб айтилади. Агар унинг шаръий асоси бўлса, уни залолатга кетказувчи бидъат, дейилмайди. Бунга бир неча мисоллар келтираман: албатта, илм талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарз. Шунинг учун мусулмон киши илм ўрганишга восита бўладиган Ислом олий ўқув юртларини ва диний мадрасаларни тугатиши керак. Булар асло бидъат эмас. Чунки булар Китоб ва суннатда буюрилган илмни тарқатишида восита бўлиб хизмат қиласи. Балки булар шаръян яхши ишлардан ҳисобланади. Мутаржимнинг (ғафараллоҳу лаҳу) сўzlари тугади.

Мулоҳаза: Али (розияллоҳу анҳу)нинг: “Бизни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана бу қиличим қинидаги нарса билангина одамлардан хосладилар”, деганларининг маъноси: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Али (розияллоҳу анҳу)га бу ишлар ҳақида хабар беришлари, унда лафз ва маънони хослаш учун эмас, балки унинг жуда муҳимлиги сабаб бўлган. Бу умматнинг ҳаммасига умумийдир. Баъзи бир адашган тоифалар Али (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг васийлари бўлган. Шунинг учун у зот баъзи нарсалар ҳақида бошқаларга хабар бермасдан, Али (розияллоҳу анҳу)ни хослаганлар, дейди-

лар. Бу ботил ва асли йўқ фикрдир. Уларга қарши Али (розияллоҳу анҳу)нинг юқорида айтган сўзларининг ўзи далилдир.

## ОТА-ОНАСИДАН БИРИНИ ҮЛДИРГАН КИШИНИНГ АЗОБИ

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ أَشَدَّ النَّاسَ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَنْ قَتَلَ نَبِيًّا أَوْ قَتَلَهُ نَبِيًّا، أَوْ قَتَلَ أَحَدًا وَالَّدِيْهِ، وَالْمُصَوِّرُونَ، وَعَالَمٌ لَمْ يَنْتَفِعْ بِعِلْمِهِ". رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي الشَّعْبِ.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қиёмат кунида одамларнинг азоби энг қаттиғи: набийни үлдирган, набий үлдирган, ота-онасидан бирини үлдирган, (Аллоҳнинг маҳлуқотларига ўхшатишни даъво қилган) мусавиirlар ва илмидан фойда олмаган олим”, дедилар» (Имом Байҳақий “Шуғабул имон”да ривоят қилган).

**Изоҳ:** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда қиёмат кунида қаттиқ азобга мустаҳиқ беш кишини айтиб ўтдилар. Шулардан бири эса ота-онасидан бирини үлдириб, шундай азобни тортади. Ўтган замонларда ота-онаси ни үлдириш у ёқда турсин, ҳатто озор етказиши тасаввур қила олмасдилар. Лекин ҳозирги

замонда мол-дунё ва уй-жойни деб отаси ёки онаси жонига зомин бўлаётган нокаслар учраб туради. Ота-она дунёга келишига сабаб бўлгани учун Аллоҳ таоло Ўзига ибодат қилишни ва ота-онага яхшилик қилишни кетма-кет келтирган. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам отаси ёки онасини ўлдирувчи қиёмат кунида қаттиқ азобга гирифтор бўлишини баён қилиб берганлар. Аллоҳдан Ўзининг азоби ва ғазабидан паноҳ сўраймиз.

## **ОТА-ОНАГА ОҚ БЎЛИШНИНГ ЖАЗОСИ**

وَعَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”كُلُّ الذُّنُوبِ يَغْفِرُ اللَّهُ مِنْهَا مَا شَاءَ إِلَّا عُقوقَ الْوَالِدَيْنِ، فَإِنَّهُ يُعَجِّلُ لِصَاحِبِهِ فِي الْحَيَاةِ قَبْلَ الْمَمَاتِ“. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شَعْبِ الْإِيمَانِ.

Абу Бакра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Аллоҳ хоҳлаган гуноҳларни кечиради. Фақат ота-онага оқ бўлишни кечирмайди. Унинг жазоси эгасига ўлимидан олдин тириклигида тезгина етади”*, дедилар» (Имом Байҳақий “Шубабул имон” да ривоят қилган).

**Шарҳ:** Бу ҳадисдан ота-онага оқ бўлишнинг жазоси бу дунёдаёқ этиши ва Аллоҳнинг ҳузурида бундан-да қаттиқ азоб кутиб туриши маълум

бўлади. Яъни ноқобил фарзанд бу дунёда ҳам ва охиратда ҳам азобланади. Аллоҳдан Ўзининг ғазаби ва азобидан паноҳ сўраймиз.

Маълумки, ота-онага оқ бўлиш ва силай раҳмни узиш ўлимдан олдин дунё ҳаётида бало ва азоблар нозил бўлишига сабаб бўлади. Ҳозирда одамларнинг кўпчилиги бало, машаққат, мусибат ва фитналардан нолийдилар-у, силай раҳмни узгани ва ота-онага оқ бўлгани ҳақида ўйлаб тавба қилмайдилар.

## ОТА-ОНАСИГА ОҚ БЎЛГАН КИШИ ЖАННАТГА КИРМАЙДИ

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنَّانٌ، وَلَا عَاقٌ، وَلَا مُدْمِنٌ حَمْرٌ". رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالْدَارِمِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жаннатга миннатчи, оқ бўлувчи ва хамр ичишига муккасидан кетган киши кирмайди”, дедилар» (Имом Насоий ва Имом Доримий ривоят қилган).

**Шарҳ ва изоҳ:** Яхшилиқдан кейин миннат қилиш разил хулқлардан биридир. Шунга кўра, агар инсон бирор кишига яхшилик қилса ёки унга садақа қилса, сўнгра миннат қилиб, эҳсон ва садақасини юзига гапирса, батаҳқиқ, эҳсон ва

садақасининг савоби зое бўлади.

Миннатчи савобларини зое қилиб, эҳсон қилган одамидан кўпроқ фойда олиш учун унга озор беради ва агар бирор нарсага эга бўлолмаса, унга зарар етказишни ўйлайди. Бу нарса уят ва хорлиқдан ҳам баттар шармандалиқдир.

**Мулоҳаза:** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: “*Жаннатга миннатчи, оқ бўлувчи ва ҳамр ичувчи кирмайди*”, деган сўзлари жаннатга биринчилардан бўлиб кирмайдилар, деганидир. Чунки аҳли сунна вал жамоа уламолари иттифоқига кўра, кимки Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмасдан вафот этган бўлса, дўзахда абадий қолмайди. Балки жаҳаннам азоби билан гуноҳларидан поклангандан сўнг, албатта, жаннатга киради (Аллоҳ барчамизни дўзах азобидан асрасин). Қариндошларига яхшилик қилгандан сўнг миннат қилувчи ҳам юқоридаги қаттиқ огоҳлантиришга лойиқдир. Чунки бу иши унинг жаннатга киришига тўқсинглик қиласди. Юқорида ўтганлардан ота-онага оқ бўлувчи ва силаи раҳмни узувчи кишиларнинг дунё ва охиратда жазога лойиқлигини билдик. Бу ҳадиси шарифда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп ичкилик ичувчининг ҳам жаннатга кирмаслигини зикр қилдилар. Шунинг учун маст қилувчи ичимликлар ичувчи ёки гиёҳванд моддалар ва бошқа маст қилувчи нарсаларни истеъмол қилувчи кишилар бу ҳадиснинг маъносини чуқур ўйлаб кўрсинар ҳамда Аллоҳга астойдил тавба қилсинлар.

أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ”كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ وَمَنْ شَرَبَ مُسْكِرًا سَقَاهُ اللَّهُ مِنْ طِينَةِ الْخَبَالِ“، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَا طِينَةُ الْخَبَالِ؟ قَالَ: ”عِصَارَةُ أَهْلِ النَّارِ“. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Расулулоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Хар бир маst қилувчи нарса ҳаромдир. Ким маst қилувчи нарсани ичса, Аллоҳ уни “Тийнатул хабол” билан сугоради», дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулулоҳ “Тийнатул хабол” нима?” дедилар. “У дўзах аҳлидан оққан йишингдир”, дедилар (Имом Муслим ривоят қилган).

## ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

### ОТА-ОНАГА ВАФОТЛАРИДАН КЕЙИН ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ҲАҚЛАРИ

وَعَنْ أَبِي أُسَيْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: بَيْنَا نَحْنُ  
عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذْ جَاءَهُ رَجُلٌ مِّنْ بَنِي  
سَلَمَةَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ يَقِيَ مِنْ بْرِ أَبَوِي شَيْءٍ أَبْرُهُمَّا  
بَعْدَ مَوْتِهِمَا؟ قَالَ: «نَعَمْ الصَّلَاةُ عَلَيْهِمَا، وَالإِسْتغْفَارُ لَهُمَا،  
وَإِنْفَاذُ عَهْدِهِمَا مِنْ بَعْدِهِمَا، وَصَلَةُ الرَّحْمَمِ الَّتِي لَا تُوَصِّلُ إِلَّا  
بِهِمَا، وَإِكْرَامُ صَدِيقِهِمَا». رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدَ وَابْنُ مَاجَهَ.

Абу Усайд Соъидий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Биз Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларида эканимизда Бани Салама қавмидан бир киши келиб: “Ё Расулуллоҳ, вафотидан кейин ота-онамга қилишим мумкин бўлган яхшилик борми?” деди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа, ҳақларига дуо қилишинг, истигфор айтишинг, улардан кейин қолган аҳдларини бажармоғинг, улар туфайли боғланган қариндошларга силаи раҳм қилмоғинг ва дўстларини икром қилмоғинг”, дедилар» (Имом Абу Довуд ва Имом ибн Можа ривоят қилган).

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдан ота-онага яхшилик қилиш вафотлари сабабли узилиб қолмасдан, балки фарзандлар уларга манфаат келтириб, хурсандчилик етказищдан ғофил бўлмасликлари лозим экани маълум бўлади. Булар қўйидаги амаллардир:

**Биринчиси:** раҳмат, мағфират ва даражалири юқори бўлишини сўраб ҳақларига дуо қилиш. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг “**уларни дуо қилишинг**”, дейишларидан мурод шу. Дуода: “*Раббиғfir лий валивалидайя, варҳамҳу-ма важзиҳума аънний хойрол жазааи*” (таржимаси: “Раббим, мени ва ота-онамни мағфират қил ва уларга раҳм қил. Уларни мен сабабли яхши мукофотлар билан мукофотла”), дейди.

**Иккинчиси:** “**улардан кейин қолган аҳдолари-ни бажармогинг**”. Бу ўриндаги лафз умумийдир. Аввало, бажариш керак бўлган иш, агар шариатга мувофиқ бўлса, васиятларини амалга оширишдир. Ҳаж, ота-она номидан қилинган садақа ва зиммаларидаги шаръий қарзлар шулар жумласидандир. Васият молнинг учдан бирида амалга оширилади. Ворислар зиммасига уларни адo этиш вожиб бўлади.Faқатгина, агар шаръян ҳаром бўлган ишларга сарфлашни васият қилган бўлса, бу васият бажарилмайди.

**Танбеҳ:** Кўпчилик меросхўрлар васиятни тўғри адo этмайдилар. Васиятни адo этилиши керак бўлган молнинг учдан бирини ўзларига ўзлаштириб, майиттга зулм қиладилар. Аслида уларга бундай қилиши жоиз эмас. Агар майитт васият қилса, шу васиятни тамоман адo этиш

фарзанд бўйнига тушади. Агар улар буни амалга оширмасалар, силаи раҳмни узганликлари учун барчалари бирдек гуноҳкор бўлишади.

Молдан бошқа нарса васият қилинган бўлса ҳам, уни бажаришга ҳаракат қилиш шарт. Масалан, бир киши ворисларига ўғилларидан бирини қори ёки олим қилишга ёки фалон кишини фалон аёлга уйлантиришни васият қилиб қолдирса, уни адо этиши керак. Агар ворислар ота-онаси бирор нарсани хоҳлаётганини сезсалар, агар унда гуноҳ бўлмаса, дарҳол бажаришлари лозим бўлади.

**Учинчиси: “улар туфайли боғланган қариндошларга силаи раҳм қилмоғинг”.** Амаки ёки аммага ўхшаш ота тарафдан бўладими, хола ёки бувига (онанинг онаси) ўхшаш она тарафдан бўладими, ҳамма қариндошларга силаи раҳм қилишга ҳаракат қилиш шарт. Уларга яхшилик қилиш улуғ иш бўлиб, унда катта савоблар ва қабрда ётган ота-онага хурсандчилик етиши бор.

**Тўртинчиси: “дўстларини икром қилмоғинг”.** Яъни, отанинг биродарлари ва онанинг дугоналарига. Шу каби бир-бирини йўқлаб турганлари ҳолидан хабар олиш, уларга эҳсон қилиш ва бирон ҳожати бўлса, ёрдам қўлинни чўзиш лозим бўлади.

قالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”إِنَّ مِنْ أَبْرَ الْبِرِّ صِلَةُ الرَّجُلِ أَهْلَ وُدُّ أَيِّهِ“ . رَوَاهُ مُسْلِمٌ .

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Отаси яхши кўрганларга кишининг силаи раҳм қилмоғи яхшиликнинг яхшироғидир*”, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Аҳдларни чиройли бажариш ва доимо силаи раҳм қилиш нафақат ота-онанинг дўстлари, балки вафотидан кейин хотини тутинган дугоналарига ўхшашларга ҳам буюрилган. “Саҳихи Бухорий” ва “Саҳихи Муслим”да келишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир жонлиқ сўйсалар, Хадича (розияллоҳу анҳо)нинг вафотига бир неча йил ўтганига қарамай, унинг дугоналарига насиба юборар эканлар.

Чунки Саййида Хадича (розияллоҳу анҳо) энг қийин вақтларда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ёнларида туриб, Аллоҳнинг динига чақириш йўлида ҳамдард ва тасалли бўлиб, молдунёларини аямади. Шунинг учун Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу яхшиликларни асло эсдан чиқармасдан, руҳлари шод бўлиши учун дугоналарига ҳадялар бериб турардилар.

Имом Бухорий ривоят қилган бошқа бир қиссада айтилишича, Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) сафардалик пайтида бир аъробийни кўриб қолдилар. Дарҳол эшагидан тушиб, унга эшагини ва саллаларини бердилар. Баъзи саҳобалар у зотга: “Унга икки дирҳам берганингизда ҳам, у бундан хурсанд бўларди”, дейишиди. Шунда у зот: «Бунинг отаси Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)нинг дўсти эди. Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: “*Отасининг яхии кўрганларига кишининг силаи раҳм қилмоғи яхшиликнинг яхшироғидир*”, деганларини эшитганман», дедилар.

## ОТА-ОНА ВАФОТИДАН КЕЙИН ҚИЛИНГАН ДУОНИНГ АҲАМИЯТИ

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَمْلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثَةِ  
صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ، أَوْ عِلْمٍ يَنْتَفَعُ بِهِ، أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ“. رَوَاهُ  
مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар инсон вафот этса, унинг барча амаллари кесилади. Фақат уч нарса бундан мустасно: садақаи жория, манфаатли илм ва унга дуо қиласидиган солих фарзанд”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

**Ҳадиснинг шарҳи:** Модомики, инсон ҳаёт экан, яхши ишлари билан охирати учун ажрасавобни жамлайди. Агар у вафот этса, шу амаллари тўхтайди. Лекин шунда ҳам уч нарсанинг савоби унга етиб туради. Булар солих амалларининг меваларидир. Улар:

**Биринчиси:** “садақаи жория”. Булар хоҳ масjid-мадраса қуриш бўлсин, хоҳ исломий мадрасалар учун тафсир, ҳадис ва фикҳга ўхшаган илмий китобларни ҳадя қилиш бўлсин, хоҳ қишлоқ ва йўлларда қудук қазиш, работ ва мусофириҳоналар қуриш бўлсин ва хоҳ барчага манфаати ета-

диган бирор иш бўлсин, доимо наф келтирадиган ишлардир. Кимда-ким шу амаллардан бирортаси-ни қилиб, сўнгра вафот этиб дафн қилинса, унинг савоби узилмайди. Балки кун сайин даражаси кўтарилиб, соат сайин савоби зиёда бўлиб бора-веради. Шунинг учун мусулмон инсонга тириклик чоғида шу каби ишлардан бирортасини қилиши лозимдир.

**Иккинчиси: “манфаатли илм”.** Бунга Куръон ўргатган, ҳадис ёки фикҳдан дарс берган ёки диний ва дунёвий жиҳатдан фойдали китоблар ёзган ёки шундай китобларни ўзининг молидан нашр қилиб чиқарган кишилар киради. Булар илмий садақаи жориядир. Илм билан шуғулланиб, жоҳилларга таълим бериб, ғофилларни огоҳлантириб, Аллоҳнинг йўлига чақираётган бир маҳалда бу дунёдан ўтиб кетган устозларига давомчилари ҳисобланган шогирдлари савобидан бирор нарса камайтирилмасдан, савоблар тўлиқ етиб туради. Агар ният тўғри бўлган бўлса, Аллоҳ ҳар кимнинг ажрини тўлиқ қилиб беради.

**Учинчиси: “солих фарзандлар дуоси”.** Шариат фарзандлар дуосини маййитнинг ўз амали деб эътибор қиляпти. Чунки у фарзандини Аллоҳнинг тоатида тарбиялаб, дуо ва истиғфорда фақат Унгагина юзланишни таълим берган. Кимки фарзандларини солих ва тақводор қилиб тарбиялаган бўлса, улар қилган яхши амалларнинг савоби эгаларига тўлиқ ҳолатда камайтирилмасдан етказилади. Фарзандларидан бошқа кишидан қилинган дуо ҳам маййитга манфаат беради.

Лекин Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг айнан фарзандлар дуосини зикр қилишларидан мақсад инсонларни солиҳ ва тақвадор фарзанд тарбиялашга қизиқтириш эди. Агар улар фосиқ ва ғофил бўлсалар, оталари ҳақига дуо қилиш у ёқда турсин, ҳатто ўзлари учун ҳам дуо қилмайдилар. Шу сабабли фарзандлар дуоси майиттинг амали ҳисобланади.

## ОТА-ОНАСИГА ОҚ БЎЛГАН ФАРЗАНД УЛАРНИНГ КҮП ДУО ҚИЛИШЛАРИ САБАБЛИ ЯХШИЛИК ҚИЛУВЧИГА АЙЛАНАДИ

وَعَنْ أَنَّسَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”إِنَّ الْعَبْدَ يَمُوتُ وَالَّدَاهُ أَوْ أَحَدُهُمَا وَإِنَّهُ لَعَاقٌ فَلَا يَزَالُ يَدْعُو لَهُمَا، وَيَسْتَغْفِرُ لَهُمَا حَتَّى يُكْتُبَهُ اللَّهُ بَارًا“ . رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شَعْبِ الْإِيمَانِ .

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бир бенда ота-онасига оқ бўлган ҳолатда ҳар иккиси ёки улардан бири вафот этса, лекин у ҳақларига дуо ва истиғфорни канда қилмаса, Аллоҳ уни яхшилик қилувчи, деб ёзади”, дедилар» (Имом Байҳақий “Шуғабул имон”да ривоят қилган).

## ОТА-ОНАНИНГ ДАРАЖАСИ ФАРЗАНДЛАР ДУОСИ ТУФАЙЛИ КҮТАРИЛАДИ

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ لِيرْفَعَ الدَّرَجَةَ لِلْعَبْدِ الصَّالِحِ فِي الْجَنَّةِ، فَيَقُولُ: يَا رَبِّ أَنِّي لِي هَذِهِ، فَيَقُولُ: بَاسْتَغْفِرَارَ وَلَدِكَ لَكَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ فِي مُسْنَدِهِ.

Абу Хурайра (розияллоху анхұ)дан ривоят қилинади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам): “Аллоҳ азза ва жалла солиҳ бандаси-нинг жаннатдаги даражасини күтариб қўйган-да, у: “Ё Раббий, булар менга қаердан?”” дейди. Шунда Аллоҳ: “Болангнинг сенга айтган истиғ-фори сабабли”, дейди”, дедилар» (Имом Аҳмад “Муснад”ида ривоят қилган).

**Шарҳ:** Бу муборак ҳадисдан яхшилик ва эзгу дуо ота-она учун бўлиши маълум бўлади. Яхшиликнинг бу тури ота-она вафот этгандан кейин ҳам узилмайди. Шунинг учун фарзандлар ҳар бир фарз намозидан кейин ота-онаси ҳақига дуо қилиши лозим. Қийин ва машақатли бўлмаган бу ишда банданинг ўзи учун ва ота-онаси учун катта фойдалар мавжуд.

Эй Аллоҳнинг бандалари, истиғфор гуноҳлар-нинг кечирилиши учун ибодатларда йўл қўйил-ган камчиликларни тўғрилаб қўядиган, мушку-лотларни ҳал қиласиган ва оғатларни даф қила-

диган улуғ сабаб эканини билинглар. Ота-онага ва устозларга ўтиб кетганларидан кейин истиғфор айтишда катта-катта фойдалар мавжуд. Бу ҳадиси шарифдан банданинг жаннатдаги даражаси Аллоҳнинг фазли туфайли кўтарилганини кўрган пайтда: “Эй Раббим, менга берилган бу ажри азимлар қаердан? Мен бунча амал қилмаганманку”, деб сўраганида, Аллоҳ унга: “Бу улуғ ажрлар фарзандинг айтган истиғфор туфайли”, дейиши маълум бўлади.

Ота-онага қилинган истиғфорнинг яна бир фойдаси, бола ота-онаси ҳаётлик вақтида уларга оқ бўлиб, сўнгра вафотларидан кейин бу ишига на-домат чекиб, уларга кўп дуо, раҳмат ва мағфират сўраса, бу ҳам ота-онаси ҳақида йўл қўйган камчиликларига каффорат бўлади.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :  
إِنَّ الْعَبْدَ يَمُوتُ وَالْمَوْتُ أَوْ أَحَدُهُمَا وَإِنَّهُ لَهُمَا لَعَاقٌ فَلَا يَزَالُ  
يَدْعُو لَهُمَا وَيَسْتَغْفِرُ لَهُمَا حَتَّىٰ يَكْتُبَهُ اللَّهُ بَارًا . رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ  
فِي شَعْبِ الإِيمَانِ .

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар бир банда ота-онаси ёки улардан бирига оқ бўлган ҳолатда улар вафот этса, лекин у ҳақларига дуо қилиб, истиғфор айтишини канда қилмаса, Аллоҳ уни яхшилик қилувчи, деб ёзиб қўяди”, дедилар» (Имом Байҳақий “Шуъабул имон”да ривоят қилган).

**Танбеҳ:** Ота-онанинг қабрларини зиёрат қи-лиш қабр бошига бориб салом бериш ва ҳақлари-га дуо қилиш билан амалга ошади. Шунинг учун мархум ота-онаси қабрлари тепасига борганда ўлимни эслаб, қабрдаги ҳолатларни фикр қилсин ва Қуръон тиловат қилиб, савобини ҳақларига бағищласин.

**Мулоҳаза:** Қуръон қироати ва унинг савобини ота-онага ёки бошқа ўтганларга бағищлашнинг қабрларни зиёрат қилишга боғлиқлик жойи йўқ. Балки хоҳлаган жойида уларга савоб етказиш ни-яти билан Қуръон тиловат қилинаверади.

## ОТА-ОНА НОМИДАН САДАҚА ҚИЛИШ

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أُمِّي تُؤْفَىٰتْ وَلَمْ تُوصَ، أَفَيْنَفْعُهَا أَنْ أَتَصَدِّقَ عَنْهَا؟ قَالَ: “نَعَمْ”. أَخْرَجَهُ الْبَخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ.

Иbn Аббос (розияллоҳу анҳұмо)дан ривоят қилинади: “Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: “*Онам васият қылмасдан вафот этди. Агар унинг номидан садақа қилсам, унга наф берадими?*” деди. Расулуллоҳ (сол-лаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ха”, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

وَرُوَيَ عَنْ سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أُمَّ سَعْدٍ مَاتَتْ، فَأَيُّ أَفْضَلُ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَمٌ: الْمَاءُ، فَحَفِرَ بِئْرًا وَقَالَ: هَذِهِ لَأُمُّ سَعْدٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُد  
وَالنَّسَائِيُّ.

Саъд ибн Убода (розияллоҳу анҳу)дан риво-  
ят қилинади: У киши: “Ё Расулуллоҳ, Саъднинг  
онаси вафот этди. Энди қайси амал афзал?” деди.  
Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):  
“Сув”, дедилар. Шундан кейин у қудуқ қаздириб:  
“Бу Саъднинг онаси учун”, деди (*Имом Абу Довуд  
ва Имом Насоий ривоят қилган*).

Яъни, Саъд (розияллоҳу анҳу) ўша қудуқни  
онасининг номидан садақаи жория қилди.

وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى  
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ أُمِّي افْتَلَتْ نَفْسَهَا، وَأَظْنَهَا لَوْ تَكَلَّمَتْ  
تَصَدَّقَتْ، فَهَلْ لَهَا أَجْرٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ عَنْهَا؟ قَالَ: “نَعَمْ”. رَوَاهُ  
الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади:  
«Бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-  
га: «Онам бирданига вафот этиб қолди. Ўйлашим-  
ча, агар гапира олганида садақа қилган бўларди.  
Агар унинг номидан садақа қилсан, савоби ета-  
дими?” деди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва сал-  
лам): “Ха”, дедилар (*Имом Бухорий ва Имом Мус-  
лим ривоят қилган*).

Бу муборак ҳадиси шарифлардан ота-она но-  
мидан садақа қилиш яхши амал экани маълум

бўлади. Саъд ибн Убоданинг ҳадисидан эса сувчиқариш садақанинг афзали экани билинади. Чунки сувдан ҳамма наф кўради. Шунинг учун Саъд ибн Убода (розияллоҳу анху) қудук қаздириб, уни онаси номидан вақф қилди. Энди ким у сувдан ичса ёки таҳорат олса, у билан онасига савоб бўлади. Қудук қазиш у замонларда жуда фойдали эди. Ҳозир бизнинг замонамиизда унинг ўрнига сув омборлари қуриш, масжид ёки бошқа жойларда совуқ сув учун маҳсус музлат-кичлар ташкил қилиш тўғри бўлади. Яна бунга сув ўлчагичларнинг ҳисобларини тўлаб қўйиш ҳам киради.

**Танбех:** Агар ота-она мол қолдирган бўлса ва зиммаларида қарзлари ҳам бўлса, майит васият қилган бўлсин ёки бўлмасин, ворисларга молдан бирор нарса қолмаса ҳам, аввало, уларнинг қарзини тўлаб қўйиши вожиб бўлади. Агар қарзни тўлашни васият қилган бўлсалар, уни ба-жариш қаттиқ буюрилади. Агар ўзларидан мол қолдирмасдан туриб, зиммаларида қарзлари бўлса ҳам, фарзандлар ота-онаси охиратда иқобга қолмаслиги учун улар номидан қарзни тўламоғи лозим бўлади. Бу амал уларга қилинган яхшилик ва эҳсондир. Қарзни узиш садақа қилишдан олдин туради. Байҳақий Авзой (раҳимаҳуллоҳ)-дан ривоят қилинади: “Менга етиб келишича, бир киши ота-онаси ҳаётлигига уларга оқ бўлди. Сўнгра ота-она зиммасидаги қарзларни тўлаб, уларга истиғфор айтиб, ҳақоратламаса, яхшилик қилувчилардан деб ёзилади. Яна кимдир ота-онаси ҳаётлигига яхшилик қилса, сўнгра

зиммаларидаги қарзни адo этмасдан, истиғфор айтмасдан, уларни сўкиб юрса, ота-онасига оқ бўлади”.

## ОТА-ОНА НОМИДАН ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛИШ

وَعَنْ أَبِي رُزِينَ الْعُقِيلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أَبِي شِيفْ كَبِيرًا لَا يَسْتَطِعُ الْحَجَّ وَلَا الْعُمْرَةَ وَلَا الظُّفْنَ، قَالَ: ”حُجَّ عَنْ أَبِيكَ وَاعْتَمِرْ“.  
رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَالْتَّرمِذِيُّ.

Абу Рузайн Уқайлий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «У киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдиларига келиб: “Ё Ра-сулуллоҳ, менинг отам қариб ҳажга ҳам, умрага ҳам, ҳатто йўлга чиқишга ҳам ярамай қолди”, деди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Отанг номидан ҳаж ва умра қил*”, дедилар» (Имом Абу Довуд, Имом Насоий ва Имом Термизий ривояти).

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: إِنَّ امْرَأَةً مِنْ خَشْعَمَ، قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ فَرِيشَةَ اللَّهِ عَلَى عَبَادِهِ فِي الْحَجَّ أَدْرَكَتْ أَبِي شِيفْ كَبِيرًا، لَا يَثْبُتُ عَلَى الرَّاحِلَةِ أَفَأَحْجُّ عَنْهُ؟ قَالَ: ”نَعَمْ“، وَذَلِكَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қи-линиади: «Хасъамлик бир аёл: “Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ ҳажни бандаларига фарз қилганида отам қариб, уловга мина олмайдиган ҳолга келганди. Мен унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?” деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳа”, дедилар. Бу воқеа Ҳажжатул Вадоъда бўлган эди» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

**Шарҳ:** Бу икки ҳадиси шарифдан ота-она но-мидан ҳаж ва умра қилиш фарзанд учун катта фазл экани маълум бўлади. Иккинчи ҳадисдан эса ўғил онаси номидан ва қиз отаси номидан ҳаж қилгани қаби, эркак киши аёл киши номидан ва аёл киши эркак киши номидан ҳаж қилишида зарар йўқ экани маълум бўлади.

Ота-она номидан ҳаж қилиш учун иккиси ҳам вафот этган бўлиши шарт эмас. Чунки ҳажни тириклик пайтларида ҳам уларнинг номидан адо қилса жоиз. Яна ҳажнинг ўз номидан ёки бошқанинг номидан бўлишида фарқи йўқ. Фақат эҳромга кириш пайтидаги ният қилишда фарқ бор. Қачонки эҳромга кирмоқчи бўлса, фалон кишининг номидан ҳажни ният қилиб, талбия айтади ва эҳромга киради. Сўнгра ҳожилар нима қилса, у ҳам шуни қиласди. Шу билан ниятига кўра ҳаж ёки умраси адо бўлади.

Кимки ўз бўйнидаги ҳажни адо этган бўлса-ю, яна унга қайта ҳаж қилиш насиб этса, унга ота ёки онаси номидан ҳаж қилиши лозим бўлади. Кимки икки ҳарам шаҳарда, яъни Макка ва Мадинада турган бўлса, у бу қулай фурсатдан

фойдаланиши лозим. Бу пайтда ота-онаси номидан қайта-қайта ҳаж қилишнинг зарари йўқ. Лекин бир эҳром билан уларнинг ҳар иккиси номидан ҳаж ёки умрани ният қилиш тӯғри эмас. Нафл ҳаж ёки умрада бошқани вакил қилиш шарт эмас. Агар кимдир ота ёки онаси номидан ҳаж қилган бўлса, уни ота-онасига билдирамаслиги жоиз. Лекин розилиги ва дуоларини олиш учун хабар бериш яхширок.

Ота-онанинг бирига ҳаж фарз бўлиб, лекин унга мусассар бўлмасдан, номидан ҳаж қилишни васият қилиб вафот этиб кетса, ворисларга бу васиятни бажариш вожиб бўлади. Лекин уни кафанлаш ва дағи қилишга сарфланган молидан қолганининг учдан биридангина васият адо қилиниб, учдан иккиси меросхўрларга бўлади. Агар улар ота-оналарига яхшилик қилиб, мерос молининг учдан бири етмаса ҳам, ўзларининг молидан ҳажнинг тўловларини тўлаб юборсалар, улар учун улуғ ажр ва катта савоблар бўлади. Агар улар молнинг учдан биридаги васиятни бажармасдан, уни ўзаро тақсимлаб олишса, бу нарса уларга ҳаром бўлиб, елкаларига катта гуноҳни юклаб оладилар.

Баъзи инсонлар ҳаж қилувчига юз ёки икки юз доллар бериб, ўзларича васиятни адо қилдиқ, деб ўйлашади. Бу хато. Бу билан фарз соқит бўлмайди. Чунки фарз ҳаж қилувчининг шахридан чиқиб ҳажни тўлиқ адо қилиб қайтиб келгунича бўлган нафақа билан таъминлашдир. Ворислар молнинг соя каби йўқ бўлувчилигини ва савобнинг доимий ва йўқ бўлмаслигини билсинлар.

## БЕШИНЧИ ФАСЛ

### СИЛАИ РАҲМ ВА ҚАРИНДОШЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШНИНГ БАЁНИ

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "تَعْلَمُوا مِنْ أَنْسَابِكُمْ مَا تَصْلُونَ بِهِ أَرْحَامَكُمْ فَإِنَّ صِلَةَ الرَّحْمِ مَحَبَّةٌ فِي الْأَهْلِ مَشْرَأَةٌ فِي الْمَالِ مَنْسَأَةٌ فِي الْأَثْرِ".  
رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қи-линади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам): “Насабларингиздан силаи раҳм қиласидиганларингизни билиб олинглар. Албатта, силаи раҳм оиласидаги мұхаббат, молнинг күтайиши ва ажалнинг кечикишига сабабдир”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

**Шарҳ ва изоҳ:** Бу муборак ҳадис насл-насаб ва қариндошларни билиб олишнинг яхшилиги ва бу нарса силаи раҳм қилишда мусулмон кишига осонлик туғдиришига далолат қиласи. Чунки бу динимиз буюрган вожиб амаллардан бўлиб, Исломда унинг мартабаси улуғдир. Ҳадис сўнгида Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) силаи раҳмнинг учта фойдасини зикр қилдилар.

**Биринчиси:** қариндошлар орасида меҳр-муҳаббатнинг давомли бўлиши. Аслида инсон яхшилик уруғлари ва жамики олижанобликлар-

дан яралгани учун яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтишини яхши кўради. Мана шу сабабли қариндош ва яқинлар орасида муҳаббат зиёда бўлиб, ҳиқду ҳасад ва ғазаб барҳам топади.

**Иккинчиси:** молдаги барака ва зиёдалик. Буни ҳаётимизда кўриб-билиб турибмиз.

**Учинчиси:** узоқ умр. Бу фойда ҳақидаги гаплар ота-онага яхшилик қилиш фойдалари баёнида ўтган эди. Чунки агар банда силаи раҳмдан холис Аллоҳ юзи (розилиги)ни топишни ирода қилган бўлса, у Аллоҳнинг розилигини топишга бир сабабдир. Яна унинг дунёвий фойдалари ҳам кўп. Инсонларнинг кўпчилиги фойда олиш ва молларини кўпайтириш билан овора. Лекин улар молнинг кўпайиш сабабларини Аллоҳнинг олижаноб Пайғамбари (алайхис солату вассалом) тилида ваъда қилганини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Шу каби узоқ умрни орзу қиласиганларнинг ҳар бири силаи раҳм умрни узайтирадиган сабаблардан бири эканини билишлари лозим.

**Танбех:** Албатта, солих амалларнинг дунё ва охиратдаги фойдалари бор. Инсон бу каби мукофот ва савобларга қиёмат куни Аллоҳ кўз кўриб қулоқ эшитмаган ва киши ақлига сиғмайдиган неъматларни тайёрлаб қўйган жаннатга мушарраф этганда етишади. Лекин солих амалларнинг дунёвий фойдалари ҳам бир қанча. Ризқнинг кенг ва баракали бўлиши, умрнинг сиҳат-саломатликда узун бўлиши, одамлар қалbidаги муҳаббат ва Аллоҳ раҳматининг нозил бўлиши ҳам шу каби солих амаллар фойдасидан етади, деб қаралади.

Шу каби маъсият ва гуноҳ ишларнинг ҳам ёмон оқибати ва охиратда қаттиқ азоби бордир. Шу дунёда унинг катта зарап-зиёни бор. Банданинг илмдан маҳрум бўлиши, ризқдан барака кетиши, мусибат ва қийинчиликлар тушиши унинг ёмон оқибатлари туфайли келиб чиқади. Лекин инсонлар бу жиҳатга эътибор бермасдан, ўзларидаги мусибатларни кетказиш учун гуноҳлардан тавба қилмай, кўриниб турган моддий сабабларга чалғиёди. Оқибатда мусибатлар борган сари кўпайиб боради.

Юқорида ўтган ҳадисларнинг бирида ота-онага оқ бўлиш дунёдаги азобни тезлаштириши ва охиратда улкан азоб борлиги (Аллоҳ ҳаммамизни ундан узоқ қилсин) ҳақидаги хабар ўтди.

Шундай қилиб, ота-онага оқ бўлиш ва силаи раҳмни узиш бало ва мусибатларнинг нозил бўлишига сабаб бўлса, ота-онага яхшилик қилиш ва силаи раҳм бахтиёрлик ҳамда умр ва ризқнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади.

وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ أَهْلَ الْبَيْتِ إِذَا تَوَاصَلُوا أَجْرَى اللَّهِ عَلَيْهِمُ الرِّزْقَ وَكَانُوا فِي كَنْفِ الرَّحْمَنِ عَزَّ وَجَلَّ". رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ عَسَاكِرٍ.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уй аҳллари ўзаро силаи раҳм қилишиса,

*Аллоҳ уларнинг устига ризқ ёғдиради ҳамда улар Роҳман азза ва жалланинг ҳимоясида бўладилар*, дедилар» (Имом Байҳақий ва Имом Ибн Асокир ривояти).

وَعَنْ أَبِي سَلْمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ أَعْجَلَ الطَّاعَةِ ثَوَابًا صَلَةُ الرَّحْمَ حَتَّى أَنَّ أَهْلَ الْبَيْتِ يَكُونُونَ فُجَارًا فَتَنَمُّو أَمْوَالُهُمْ وَيَكُثُرُ عَدُودُهُمْ إِذَا وَصَلَوُا الرَّحِمَ، وَإِنَّ أَعْجَلَ الْمَعْصِيَةِ عِقَابًا الْبُغْيُ وَالْيَمِينُ الْفَاجِرَةُ تَذَهَّبُ الْمَالُ وَتَعْقُمُ الرَّحِمَ وَتَدْعُ الدِّيَارَ بِلَا قَعْدَةٍ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ جَرِيرٍ.

Абу Салама ибн Абдурраҳмон отасидан ривоят қилиб айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): «Савоблари энг тез келадиган тоат бу силаи раҳмдир. Агар уй аҳли фожир бўлсалар ҳам, силаи раҳм қилсалар, моллари ўсиб, ўзларининг ададлари кўпаяди. Жазоси энг тез келадиган гуноҳ бу ахлоқсизлик ва ёлғон қасамдир. Бу ишлар молни кетказиб, силаи раҳмни кесади ва ўша жойни қуп-қуруқ қилиб қўяди», дедилар» (Имом Байҳақий ва Имом Ибн Жарир ривоят қилган).

وَعَنْ أَبِي رَمْثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنْتَهِيَتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَمِعْتُهُ يَقُولُ: «بِرَّ أُمَّكَ وَأَبَاكَ وَأَخْتَكَ وَأَخَاكَ ثُمَّ أَدْنَاكَ وَأَدْنَاكَ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرَكِ.

Абу Римса (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қи-линиади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам)нинг олдилариға етиб борганимда, у ки-шининг: **“Онангга, отангга, опангга, акангга, сўнгра яқин-яқинларингта яхшилик қил”**, деб айтаётганларини эшийтдим» (*Имом Ҳоким “Мустадрак”да ривоят қилган*).

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифдан яхшилик қилиш, силаи раҳм ва эҳсонга ҳақлироқ, аввало, она, сўнгра ота, сўнгра опа, сўнгра ака, сўнгра бош-қа қариндошлар экани маълум бўлади. Насаб ва қудачилик тарафдан яқинроқларнинг ҳар бири муҳаббат, эҳсон ва раҳм-шафқатга ҳам шундай ҳақлироқ бўлишади. Бу фарқ фақат нафақа қилишда бўлади. Аммо салом бериш, меҳр ва муҳаббатда барчалари тенгдир. Сен билан қариндошлиқ алоқаси бўлмаган киши ўртасидаги мусулмонлик алоқасини узиш мумкин бўлмагандан кейин қандай қилиб қариндошлиқ алоқасини узиш жоиз бўлсин.

**Масала:** Туғишган қариндошларга нафақа қилиш вожиб бўлатуриб ва бу нарсанинг таф-силотлари ҳақида фақиҳларга мурожаат қилиб ўрганилаётган бўлса ҳам, айримлар синглиси ва укасига зулм қилишаяпти. Ўшалар уларнинг мерос билан боғлиқ ҳақларини талон-торож қилаётганлар ёки ҳақларини муҳофаза қил-масдан, меросни ўз аҳли оиласиарига нафақа қилиб юбораётганлардир. Кичик ука ва сингил-лар катта бўлгунича катта ака уларга тегишли ҳақ ва насибаларни еб битирган бўлади. Бу ҳо-

латларни Аллоҳ таолонинг мана бу сўзи ҳам тасдиқлайди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَىٰ فُلُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلُوْنَ سَعِيرًا﴾

“Етимларнинг мол-мулкларини зулм йўли билан ейдиган кимсалар, албатта, қоринларида олов еган бўлурлар ва албатта, дўзахда куйгайлар” (*Нисо сураси, 10-оят*).

Қариндошларга мактуб ёзиб, сиҳат-саломатлигини сўраш, бирон муносабат туфайли табриклиш, гуноҳга тушиб қолиш хавфи мавжуд шаръий монелик бўлмаган тўй-ҳашам ва маросим кунларида бирга бўлиш, аҳволидан бехабар қолмаслик ва ҳожатманд бўлсалар, ёрдам бериш, агар бунга қодир бўлмаса, тасалли бериб тинчлантириш ва орқаларидан ғойибона дуо қилиш силаи раҳм амалларидандир.

## ХОЛАНИНГ ҲАҚИ ОНАНИКИДЕКДИР

وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَصَبَّتُ ذَنْبًا عَظِيمًا، فَهَلْ لِي مِنْ تَوْبَةٍ؟ فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هَلْ لَكَ مِنْ أُمَّ؟»، قَالَ: لَا، قَالَ: «هَلْ لَكَ مِنْ خَالَةٍ؟»، قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: «فَبِرَّهَا». رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ.

Ибн Умар (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят қи-линади: «Бир киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдилариға келиб: “Ё Расулуллоҳ, мен бир катта гуноҳ ишга йўлиқдим. Менга тавба қилиш имкони борми?” деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Онанг борми?”** дедилар. У: “Йўқ”, деди. **“Холанг борми?”** дедилар. У: “Ҳа”, деди. **“Ундаи бўлса, унга яхшилик қил”**, дедилар» (*Имом Термизий ривояти*).

**Шарҳ:** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадиси шарифда холани хурмат қилиш ва унга яхшилик қилишга буюриб, бу буйруқни онаси йўқ ҳолат билан таъкидладилар. Яна бу ҳадиси шарифдан она ва холага яхшилик қилиш улуғ гуноҳларга каффорат бўладиган ишлардан экани маълум бўлади. Имом Бухорий келтирган бошқа бир ривоятда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Хола она ўрнидадир”**, деганлар.

Чунки бошқалардан кўра, у опасининг фарзандларига меҳрибон бўлади. Шунинг учун фақиҳлар (раҳимахумуллоҳ): “Боланинг онаси вафот этганда, уни тарбия қилишга хола ҳақлироқдир. Унинг ҳақи буви ва опадан кўра олдин туряди”, деганлар.

Яна бу ҳадисдан шу нарса маълумки, кимнинг онаси бўлмаса, холасига яхшилик қилсин. Шу каби она тарафидан бўлган бувилар, яъни она-нинг онаси ва отанинг онаси ҳамда тоға ва унинг фарзандлари каби бошқа қариндошларга яхшилик қилиш лозим бўлади. Бу яхшилик ва силаи раҳм гуноҳларга каффорат бўладиган ва мағфи-

рат қилинишига сабаб бўладиган энг катта во-  
ситалардир.

## ЭМИЗГАН ОНАНИНГ ҲАҚИ

وَعَنْ أَبِي الطُّفَيْلِ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُقْسِمُ لَحْمًا بِالْجُعْرَانَةِ، إِذَا أَقْبَلَتِ امْرَأَةٌ حَتَّى دَنَتْ إِلَيْهِ، فَقُلْتُ: مَنْ هِيَ؟ فَقَالُوا: هِيَ اُمُّهُ الَّتِي أَرْضَعَتْهُ رَوَاهُ أَبُوهُ دَاؤُدَ.

Абу Туфайл (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қи-  
линади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни  
Жиъронада гўшт тақсимлаётганини кўрдим. Шу  
пайт бир аёл келиб Набий (соллаллоҳу алайҳи ва  
саллам)га яқинлашди. Шунда Набий (соллалло-  
ҳу алайҳи ва саллам) унга ридоларини тўшади-  
лар. У аёл унга ўтириди. Мен: “Бу аёл ким?” дедим.  
Саҳобалар: “Бу аёл у кишининг эмизган онаси”,  
дейишиди» (Имом Абу Довуд ривоят қилган).

**Фойда:** Бу ҳадиси шарифдан эмизган она ҳам  
шукр, илтифот ва хурматга лойик экани маълум  
бўлади.

Ҳадис шориҳларидан бири айтади: “Бу аёл  
Маккадан Бани Саъд қишлоғига олиб бориб, На-  
бий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га икки ёш-  
ларигача қараган Сайида Ҳалима Саъдиядир.  
Эмизиш баъзи истисно ҳолатларни ҳисобга ол-

маганда наасаб ҳаром қилган барча нарсани ҳаром қиласи. Шунинг учун эмизган онага, унинг ўғил-қизлари ва эрига яхшилик ва эхсон қилиш лозим бўлади.

## СИЛАИ РАҲМНИ УЗИШ РАҲМАТ ТУШМАСЛИГИГА САБАДИР

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: "لَا تَنْزُلُ الرَّحْمَةُ عَلَى قَوْمٍ فِيهِمْ قَاطِعُ رَحْمٌ". رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شَعْبِ الإِيمَانِ.

Абдуллоҳ ибн Аби Авфо (розияллоҳу анҳу)-дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: *“Ораларида силаи раҳмни узувлиси бўлган қавмга Аллоҳнинг раҳмати тушибайди”*, деяётганларини эшитдим» (Имом Байҳақий “Шузабул имон”да ривоят қилган).

**Изоҳ:** Силаи раҳм раҳмат ва барака тушиш сабабларидан бўлса, силаи раҳмни узиш бало тушиши ва раҳмат нозил бўлмаслигига сабабдир. Силаи раҳмни узувлчи киши эса, қавмига шундай катта балоларни чақиравчидир ҳамда у туфайли қавми раҳмат ва баракадан маҳрум бўлади. Бу катта гуноҳнинг тарқалиш сабаби инсонларнинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаргандаридир. Агар улар ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариб, гуноҳларни яхшилик билан даф этганлариди, албатта, ёмонликлар ва қабиҳлик ўз-ўзидан барҳам топарди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَلَا سَتُوِي الْحَسَنَةُ وَلَا أَسْبَئُهُ أَدْفَعُ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا  
أَلَّذِي بَيْنَكَ وَبَيْنَهُ عَدَاوَةٌ كَانَهُ وَلِيٌ حَمِيمٌ ﴾ ٣٤

«Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур» (Фуссилат сураси, 34-оят).

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الرَّحْمُ شِجْنَةٌ مِنَ الرَّحْمَنِ، فَقَالَ اللَّهُ: مَنْ وَصَلَّكَ وَصَلَّتُهُ وَمَنْ قَطَعَكَ قَطَعْتُهُ". رَوَاهُ الْبَخَارِيُّ.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Раҳм Раҳмоннинг исмидан олингандир. Бас, Аллоҳ: “Ким сени боғласа, мен ҳам уни боғладим. Ким сени узса, мен ҳам уни уздим”, деди”*, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

**Шарҳ:** Имом Бухорий ривоят қилган бошқа ҳадисда: *“Силаи раҳмни узувчи жаннатга кирмайди”*, дейилган.

Бу ҳадиси шарифдан силаи раҳмни узувчи дунё ва охиратда жазога йўлиқиши маълум бўлади. Ҳозирда баъзи оиласалар бирлиги ва иноқлигига ихтилоф тушиб, силаи раҳмни узиш билан овора. Улар узоқ йиллар давомида юз қўришмасдан,

маҳкамаларда бир-бирлари билан мол-мулк ва мерос даъвосида юради. Айни кунларда ака ўз укасини маҳкамага судраган, амаки акасининг ўғлини тутиб олиб ҳақоратлаб тургани каби аф-сусланарли ҳолатлар гувоҳи бўласан. Ака эса укаларнинг ҳақларини талон-торож қилиб юборган ва ерларини тортиб олган. Улар орасида на салом-алик ва на борди-келди бор. Агар кўчада бир-бирларига йўлиқиб қолсалар, салом ҳам бермасдан юз ўгириб кетишади. Субҳоналлоҳ, исломий ахлоқда бундай одатлар борми? Қандай қилиб Аллоҳ таоло бу силаи раҳмни узувчилардан рози бўлади? Бу бўлмағур муомалалар Ислом аҳкомларидан йирок, аммо авлоддан-авлодга ўтаверади.

## УЗИЛГАН РИШТАНИ БОҒЛАШ ҲАҚИҚИЙ СИЛАИ РАҲМДИР

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لَيْسَ الْوَاصِلُ بِالْمُكَافِيِّ وَلَكِنَّ الْوَاصِلَ الَّذِي إِذَا قُطِعَتْ رَحْمُهُ وَصَلَّهَا". رَوَاهُ الْبُخارِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “Қариндоши яхшилигига яхшилик қайтарувчи силаи раҳмни боғлаган бўлмайди. Лекин агар силаи раҳм узилса, уни боғлайдиган ҳақиқий силаи раҳм қилувчиидир”, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

**Шарҳ:** Бу ҳадиси шарифда: “Менга қандай муомала қилишса, қариндошларимга ҳам шундай қайтараман. Менинг ҳақимни билмайдиган бўлсалар, мен ҳам уларга шунга ўхшашини қилиб, қариндошлик алоқаларини боғламайман. Мени ўз ҳолимга қандай ташлаб қўйган бўлса, улардан шундай узоқлашаман”, дейдиганларга катта огоҳлантириш бор. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Қариндоши яхшилигига яхшилик қайтарувчи силай раҳмни боғлаган бўлмайди”**, дедилар. Чунки яхшиликнинг жавоби шунга ўхшаш яхшилик бўлади. Ҳақиқий восил эса қариндошлари қандай муомалада бўлишидан қатъи назар, муомаласини сақлаган кишидир. Улар бунга аҳамият берадими ёки ташлаб қўядими, фарқи йўқ. У ўзаро ҳурмат ва эҳсон ришталарини боғлаб, қариндошини ёлғиз қолдирмайди ва ёмонлигига яхшилик билан жавоб қайтариб, ёмонликларини яхшилик билан даф этади. Бу эса Аллоҳнинг амрига бўйсунувчи ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларига итоат қилувчи ҳақиқий восилдир. Ишларнинг афзали, ўзингга ёқмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрмаслигингдир. Ҳаётда силаи раҳмни боғлаб, қариндошлари ёмон муомаласида давом этса ҳам, уларга яхшилик қилиш натижасида ишларидан надомат чекиб, унинг фазилатларини билиб, яхши хулқларини эътироф этадиган, охирида ҳаммаларига маҳбуб ва азиз инсонга айланадиган кишиларни ҳам кўрамиз. Аллоҳ яхши амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмас.

وَعَنْ عُقْبَةَ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ”صِلْ مَنْ قَطَعَكَ، وَأَعْطِ مَنْ حَرَمَكَ، وَاعْفُ عَمَّنْ ظَلَمَكَ“.*رواهُ الْحَاكِمُ فِي الْمُسْتَدْرِكِ.*

Уқба ибн Омир (розияллоҳу анҳу)дан риво-ят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва сал-лам): *Сендан узилганга боғлан. Сени маҳрум қилганга бер. Сенга зулм қилганни кечир*», де-дилар» (Имом Ҳоким “Мустадрак”да ривоят қилган).

## ХОТИМА

### ОТА-ОНА ЗИММАСИДАГИ ФАРЗАНДЛАР ҲАҚИ ВА ФАРЗАНД ТАРАФИДАН ОТА- ОНАГА ВОЖИБ БҮЛГАН АМАЛЛАР БАЁНИ БОЛАЛАРГА ИЛМ ЎРГАТИШ ВА УЛАРГА ОДОБ БЕРИШ

وَعَنْ مُعَاذٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَوْصَانِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعَشْرِ كَلِمَاتٍ، قَالَ: «لَا تُشْرِكُ بِاللَّهِ وَإِنْ قُتِلْتَ وَحُرْقَتَ، وَلَا تَعْقَنَّ وَالدِّيْكَ وَإِنْ أَمْرَاكَ أَنْ تَخْرُجَ مِنْ أَهْلَكَ وَمَالَكَ، وَلَا تَرْكَنَّ صَلَةً مَكْتُوبَةً مُتَعَمِّدًا فَإِنَّ مَنْ تَرَكَ صَلَةً مُتَعَمِّدًا فَقَدْ بَرَئَتْ مِنْهُ ذَمَّةُ اللَّهِ، وَلَا تَشْرِبَنَّ خَمْرًا فَإِنَّهُ رَأْسُ كُلِّ فَاحِشَةٍ، وَإِيَّاكَ وَالْمَعْصِيَةِ فِإِنَّ بِالْمَعْصِيَةِ حَلَّ سَخَطُ اللَّهِ، وَإِيَّاكَ وَالْفَرَارِ مِنَ الزَّحْفِ وَإِنْ هَلَكَ النَّاسُ، وَإِذَا أَصَابَ النَّاسَ مَوْتَانٍ وَأَنْتَ فِيهِمْ فَاثْبِتْ، وَأَنْفِقْ عَلَى عِيَالِكَ مِنْ طَوْلِكَ، وَلَا تَرْفَعْ عَنْهُمْ عَصَاكَ أَدَبًا، وَأَخْفِهِمْ فِي اللَّهِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ فِي الْمُسْنَدِ.

Муоз (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга ўнта калима билан васият қилиб айтдилар: «Агар қатл қилинсанг ёки ўтда күйдириссанг ҳам, Аллоҳга ширк келтирма. Агар ота-онанг сени

*аҳлинг ва молингдан воз кечишига буюрсалар ҳам, уларга оқ бўлма. Фарз бўлган намозларни қасддан тарк қилма. Кимки намозни қасддан тарк қилса, албатта, у Аллоҳнинг ҳимоясидан бебаҳра қолади. Mast қилувчи ичимликлар ичма. Чунки у ҳамма гуноҳ ишларнинг бошидир. Сен гуноҳ ишлардан тийшишинг лозим. Чунки гуноҳ ишлар сабабли сенга Аллоҳнинг ғазаби етади. Гарчи одамлар қирилиб кетса ҳам, сенга урушдан қочиши лозим эмас. Агар одамларга ўлат етса-ю, сен уларнинг ичида бўлсанг, жойингда собит тургин. Аҳли аёлингга иложинг етганича нафақа қил. Уларга одоб берадиган таёғингни ташлаб қўйма. Уларни Аллоҳдан қўрқишга буюр”» (Имом Аҳмад “Муснад”да риво-ят қилган).*

**Шарҳ:** Бу муборак ҳадис ўзида ўнта насиҳатни жамлаган:

1. “*Агар қатл қилинсанг ёки ўтда куйдирилсанг ҳам, Аллоҳга ширк келтирма*”. Яъни, Аллоҳ таолонинг тавҳидини зотида, исмларида ва сифатларида нафий қиласиган бирор нарсага қалбинг билан эътиқод қилма. Агар бирор қавм сенга ўлдириш ёки оловда куйдириш билан таҳдид қилса ҳам, уларга итоат этма. Балки тавҳид ва имонда мустаҳкам собит тургин. Маълумки, ўлим хавф солиб турган пайтда қалбда мустаҳкам имон ва тўғри ақида билан куфр калимасини айтиш жоиз. Лекин буюрилгани, авлоси ва афзали тили қалбига хилоф келмаслиги, агар ўлдирилиб ёки куйдирилса ҳам куфр калимасини айтмаслигидир. Аллоҳдан дунёning турли балолари

ва охират азобидан саломатлик ва оғиятни сўраймиз.

**2. “Агар ота-онанг сени аҳлинг ва молингдан воз кечишига буюрсалар ҳам, уларга оқ бўлма”.** Бунда ота-онанинг ҳақлари улуғлиги, итоатда бўлишнинг аҳамияти ва буйруқларига қарши боришдан қаттиқ қайтариққа далиллар бор. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мисол келтириб: **“Агар ота-онанг сени аҳлинг ва молингдан воз кечишига буюрсалар ҳам”**, дедилар. Яъни, итоат этишда шу даражада бўлишга тайёр бўлгин. Бу ҳадис ота-онадан шу каби буйруқлар бўлиши жоизлигига далолат қилмайди. Чунки ота-она ўз фарзандига зарар бўладиган ишларни буориши жоиз эмас. Агар ота-она амридан фасодли ишлар ва ёмонликлар келиб чиқадиган бўлса, бунга ўхшашибарда итоат қилиш жоиз бўлмайди.

**3. “Фарз бўлган намозларни қасддан тарк қилма. Кимки намозни қасддан тарк қилса, албатта, у Аллоҳнинг ҳимоясидан бебаҳра қолади”.** Яъни, Аллоҳнинг зиммасида гуноҳлардан сақлаш ва охиратдаги азоблардан нажот бериш каби унинг ҳақлари қолмайди.

**4. “Маст қилувчи ичимликлар ичма. Чунки у ҳамма гуноҳ ишларнинг бошидир”.** Чунки хамр ичувчининг ақли зойил бўлиб, қай йўл билан бўлса ҳам шаҳватини қондиришни истайдиган ҳайвонга ўхшаб қолади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хамрни: **“Ҳар бир гуноҳнинг калити ва ёмонликлар онаси”**, деб атаганлар. Шунинг учун ҳар бир масть қиладиган ва ақлни тўсадиган нарсалар шаръян ҳаромдир.

**5. “Сен гуноҳ ишлардан тишилишинг лозим. Чунки гуноҳ ишлар сабабли сенга Аллоҳнинг ғазаби етади”.** Чунки ҳар қандай бало гуноҳ туфайли тушиб, тавба билан күтарилади. Кўпгина миллатлар ва халқларнинг таназзулга учрашида гуноҳ ва маъсиятларнинг ўрни катта.

**6. “Гарчи одамлар қиришиб кетса ҳам, сенга урушдан қочиш лозим эмас”.** Чунки уруш майдонидан қочиш гуноҳларнинг энг катталаридан-дир. Лекин қайтиб келиш, куч-қувватини ошириб келиш ёки душманларга ҳийла қилиш ниятида қочса, гуноҳ йўқ. Албатта, уруш ҳийладир.

**7. “Агар одамларга ўлат етса-ю, сен уларнинг ичидаги бўлсанг, жойингда собит тургин”.** Агар сен турган шаҳарда ўлат ва шунга ўхшаш ҳалокатли касаллик тарқаса, ҳаргиз ўлимдан қўрқиб у ердан чиқма. Бунга И мом Бухорий “Саҳиҳ”ида ривоят қилган мана бу ҳадис ҳам далил бўлади:

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَىٰ عَنِ الْقُدُومِ عَلَى أَرْضِ فِيهَا طَاعُونَ وَالْخُرُوجِ مِنْ أَرْضٍ اُنْتَشَرَ فِيهِ الْوَبَاءُ فَرَارًا مِنَ الْمَوْتِ.

“Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлат тарқалган ерга киришдан ва вабо тарқалган ердан ўлимдан қочиб чиқишдан қайтардилар”.

Бунинг ҳикмати шуки, агар соғлом кишилар ҳаммаси у ердан чиқиб кетсалар, вафот этгандарни жанозага тайёрлаш, уларга намоз ўқиши дафн қилиш ишларини зиммасига оладиган киши қолмайди.

**8. “Аҳли аёлингга иложинг етганича нафақа қил”.** Мабодо ейиш-ичиш, кийим-кечак ва доридармонга эҳтиёжлари тушганда, уларга бахиллик қилма. Уларга ҳалол-пок молингдан нафақа қил.

**9. “Уларга одоб берадиган таёғингни ташлаб қўйма”.** Яъни, улар устидан султонлик ва назорат ўзингда бўлиши учун одоб бериш ва эзгулик ва тақво ила тарбиялашда нуқсонга йўл қўйма. Бундан мурод, тарбия услуби қаттиқ ва қўпол бўлиши эмас. Чунки Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ким юмшоқликдан маҳрум бўлса, барча яхшиликлардан маҳрум бўлади*”, деганлар. Балки бундан мақсад ҳожат тушганда қаттиқ услубни ва ғазаб қилишни ихтиёр қилишдир. Асло буни одат қилиб олмаслик керак. Балки ҳикмат тақозосига кўра баъзан уларни қўрқитиш учун бу ишни қилса бўлади.

**10. “Уларни Аллоҳдан қўрқишига буюр”.** Яъни, Аллоҳнинг яқинлиги, ҳеч бир нарса ундан маҳфий эмаслиги, У сир ва маҳфий нарсаларни ҳам билишини, У яратувчи ва ҳар бир нарсанинг эгаси эканини, инсон фақатгина унга итоат этиш билангина саодатга ва нажотга етишишини, албатта, У Зотгина кечиравчи ва раҳмли ҳамда иқоби қаттиқ Зот эканини ўргатсин. Яна уларни Аллоҳнинг раҳматидан умидлантириб, унинг қудрати ва азобидан қўрқитсин.

Мустақим хидоятда ва тўғри йўлда ўсиб-улғайишлари учун уларга сийрат китобларини ўқиб, Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатларини баён қилиб берсинлар.

## **АШРАФ АЛИ ТАҲОНДИЙ (РАҲИМАҲУЛЛОҲ)НИНГ КИТОБИДАН МУҲИМ МАСАЛАЛАР**

Уммат ҳакими номи билан танилган шайх Ашраф Али Таҳондий (Аллоҳ ётган жойларини мунааввар қилсин) айтади: “Албатта, икки тоифа инсонлар иши тўғри эмас:

**биринчиси**, ота-онанинг ҳақини тўлиқ адод этмай, ҳақларини зое қилиб, оқибатда уларга оқ бўладиганлар;

**иккинчиси**, ота-онага яхшилик қилишда ҳаддан ошиб, хотин ва фарзандларининг ҳуқуқларини поймол қиласиган ва бу ишини ота-онага яхшилик деб гумон қиласиганлар”.

Риоя, нафақа ва эҳсон вожиблиги ҳақида келган матнларга кўра, айтиш мумкинки, эр зиммасида хотини билан бирга яшаш, нафақа, маскан ҳақи ва фарзандларини боқиш, тарбия қилиш ва нафақа қилиш ҳақлари бор. Бу ерда гап ота-онанинг ҳақи билан боғлиқ бўлмаган ишлар, лекин қўпчилик буни ота-она ҳақларидан деб биладиган ишлар ҳақида бормоқда. Улар тоқати етмайдиган ишларни елкаларига ортиб, сўнгра шайтон васвасаси билан дин ўзи қийинчилик ва унинг ҳукмлари оғир, дейдилар. Шунинг учун ҳар ким вожиб ва вожиб бўлмаган амалларни фарқлаб олиши лозим.

**Масала:** аслида шаръян вожиб амал ота-онанинг ёки бирисининг амри билан тарк қи-

линмайди. Буни деб уларга итоат қилиш жоиз бўлмайди.

**Масала:** агар фарзанд оилали ва камбағал бўлса-ю, ота-онасига нафақа қилса, фарзандларининг машру ҳақларини адo этишда қийинчиликка учраса, фарзанд учун ота-онасига нафақа қилиш жоиз эмас.

**Масала:** агар ота-она фарзандига Исломнинг бирор арконини бажаришдан ёки зарурат миқдоридаги илм ўрганишидан қайтарса, шуни деб уларга итоат қилинмайди.

**Масала:** ота-онанинг амри билан жиноят қилиш, яъни маъсият жоиз бўлмайди. Масалан, ота-она бирор ҳаром ишни бажариш ёки расмрусларни адo этиш ва жоҳилий ишларга тақлид қилиш ёки суннатга хилоф ишга буюрсалар, уларнинг амрига итоат қилиш жоиз бўлмайди.

**Масала:** агар фарзанд ўз қишлоғида иш тополмасдан, тирикчилик учун сафарга чиққанида, ота-она ундан қайтарса, бундай ҳолатда ота-онага итоат қилиш вожиб бўлмайди.

**Масала:** агар зарур эҳтиёжи бўлмаса ва кетиши билан ота-онасига зарар етишини билса, уларни ёлғиз ташлаб кетиш жоиз бўлмайди. Масалан, бир киши сафар қилишни ёки бирор-бир узоқ шаҳарга боришни хоҳлади. Лекин ота-онаси хизматида турадиган ака-укаси ҳам ёки хизматлари учун бирор хизматчи қолдиришга имконияти йўқ. Бундай ҳолда ота-онага итоат қилиш вожиб бўлади ва уларнинг изнисиз сафарга чиқмайди.

**Масала:** агар унинг сафарга чиқишига эҳтиёжи кучли бўлмаса ва йўқлиги ота-онасига зарар ҳам бермаса. Бундай ҳолатда ота-онага итоат қилиш мустаҳаб бўлиб, аммо вожиб бўлмайди.

**Масала:** агар ота-она ўғлига бирон шаръий важҳ ва бирон жўяли сабабсиз хотинини талоқ қилишга буюрсалар, уларга итоат қилиш вожиб бўлмайди. Ибн Умар ривоят қилган ҳадисдаги Умар (розияллоҳу анҳу)нинг буйруғи тўғри сабаб бўлгани учун жоиз деб қаралади. Чунки шариатимизда: “Зарар бериш ҳам, зарар кўриш ҳам йўқ”, деган қоида бор.

Шундай қилиб, шайх Таҳонавийнинг (Аллоҳ ётган жойини мунаvvар қилсин) “Таъдийл ҳуқуқил волидайн” (“Ота-она ҳуқуқларини тузатиш”) рисоласининг холосаси ниҳоясига етди. Шу билан бу рисолада айтмоқчи бўлганларимиз Аллоҳнинг фазли билан тугади. Аллоҳнинг нури билан нурланган Мустафо набийси ва расулига Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин. У кишининг оиласлари ва саҳобаларига дарахтлар барглари ададича саломлар бўлсин.

## **МУНДАРИЖА**

<i>Муқаддима</i> .....	3
<i>Мутаржим муқаддимаси</i> .....	7
<i>Муаллиф муқаддимаси</i> .....	9
<b>Биринчи фасл</b> .....	<b>11</b>
<i>Ота-она ҳақлари хусусидаги ояти карималар</i> .....	11
<i>Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху анху) билинг унинг онаси қиссаси</i> .....	20
<b>Иккинчи фасл</b> .....	<b>22</b>
<i>Ота-онага яхшилик қилишинг фазилати, фойдаси ва самаралари ҳақидаги ҳадислар</i> .....	22
<i>Яхшилик, эҳсон ва хизматга она ҳақлироқдир</i> .....	23
<i>Ота-онага яхшилик қилиши жаннатга киришга сабабдир</i> .....	25
<i>Аллоҳнинг розилиги ота-она розилигида</i> .....	26
<i>Ота жаннатнинг ўрта эшиги</i> .....	27
<i>Ота-онага меҳр билан қараши савоби мабрур ҳаж ёки қул озод қилиши савобига тенг</i> .....	27
<i>Оталаингизга яхшилик қилинг!</i>	
<i>Фарзандингиз ҳам сизга яхшилик қиласди</i> .....	29
<i>Отасига оқ бўлган кишининг қиссаси</i> .....	31
<i>Отанинг дуоси қабулдир</i> .....	32
<i>Ота-онага қандай муомала қилинади?</i> .....	33
<i>Ота-онага яхшилик қилиши ризқ ва умрни зиёда қиласди</i> .....	35
<i>Ютуқ ва амалнинг савобини ота-онага бағишилаш</i> .....	36

<i>Ота-онасини йиғлатган кишига</i>	
<i>Пайғамбаримиз (сөллаллоҳу алаиҳи ва саллам)нинг насиҳатлари .....</i>	37
<i>Ота-онага хизмат қилиш ҳаж ва умра савобига тенг.....</i>	39
<b>Учинчи фасл.....</b>	<b>41</b>
<i>Ота-онасига осийлик ва беодоблик құлғанлар ҳақида келган ҳадислар .....</i>	41
<i>Ота-онаси хизматини қила олмай, жаннатдан маҳрум бўлган киши .....</i>	42
<i>Ота-онасига яхшилик қилувчига жаннат эшиклари очиқдир .....</i>	43
<i>Ота-онани ҳақоратлаш гуноҳи кабиралардандир .....</i>	45
<i>Ота-онасини лаънатлаган кишини Аллоҳ ҳам лаънатлайди .....</i>	47
<i>Ота-онасидан бирини ўлдирган кишининг азоби .....</i>	50
<i>Ота-онага оқ бўлишининг жазоси .....</i>	51
<i>Ота-онасига оқ бўлган киши жаннатга кирмайди .....</i>	52
<b>Тўртинчи фасл.....</b>	<b>55</b>
<i>Ота-онага вафотларидан кейин яхшилик қилиш ва уларнинг ҳақлари .....</i>	55
<i>Ота-она вафотидан кейин қилинган дуонинг аҳамияти .....</i>	59
<i>Ота-онасига оқ бўлган фарзанд уларнинг кўп дуо қилишлари сабабли яхшилик қилувчига айланади .....</i>	61
<i>Ота-онанинг даражаси фарзандлар дуоси туфайли кўтарилади.....</i>	62

<i>Ота-она номидан садақа қилиши</i> .....	64
<i>Ота-она номидан ҳаж  ва умра қилиши</i> .....	67
<b>Бешинчи фасл.....</b>	<b>70</b>
<i>Силаи раҳм ва қариндошларга</i>	
яхшилик қилишининг баёни .....	70
<i>Холанинг ҳақи онаникидекдир</i> .....	75
<i>Эмизган онанинг ҳақи</i> .....	77
<i>Силаи раҳмни узиши раҳмат</i>	
тушимаслигига сабабдир .....	78
<i>Узилган риштани боғлаш</i>	
ҳақиқий силаи раҳмдир.....	80
<b>Хотима.....</b>	<b>83</b>
<i>Ота-она зиммасидаги фарзандлар ҳақи</i>	
<i>ва фарзанд тарафидан ота-онага</i>	
вожиб бўлган амаллар баёни.....	83
<i>Болаларга илм ўргатиши ва</i>	
уларга одоб бериш.....	83
<i>Аираф Али Таҳонавий (раҳимаҳуллоҳ)нинг</i>	
<i>китобидан муҳим масалалар</i> .....	88

*Қайдалар* учун

*Диний-ижтимоий нашр*

**МУҲАММАД ОШИҚ ИЛОХИЙ  
БАРНИЙ МАДАНИЙ**

**ОТА-ОНАГА ЯХШИЛИК ВА  
УЛАРНИНГ ҲУҶУҚЛАРИ**

*Муҳаррирлар:* Жамшид ШОДИЕВ,

Бобомурод ЭРАЛИ

*Бадиий муҳаррир* Элнур НИЁЗ ўғли

*Саҳифаловчи* Наргиза МИРЗАЛИЕВА

*Мусахҳиҳалар:* Нодира ОХУНЖОНОВА,

Зебо ОМОНОВА

*Матн терувчи* Сайдакбархон ВАЛИЕВ

Нашриёт лицензия рақами: АI № 146. 2009. 14. 08.  
Босишга 2018 йил 26 ноябрда рухсат этилди. Офсет қоғози.  
Қоғоз бичими 84 x 108  $\frac{1}{32}$ .  
Харф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.  
Ҳисоб б.т.: 5,4. Шартли б.т.: 3,2 Адади: 2500 нусха.  
\_\_\_\_\_ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.  
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар  
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.  
Электрон почта: [m-nashr@mail.ru](mailto:m-nashr@mail.ru)  
Тел: (0-371) 227-34-30

“Print Line Group” босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 44-уй.